



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

2015 йил 2 январь кунини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2015 йил 2 январь жума куни дам олиш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 132-моддасига асосан техник ишлаб чиқариш ва бошқа шароитларга кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ҳолатларда ишлашга йўл қўйилсин.

Бажарилган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 26 декабрь

ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ 2015 ЙИЛ 4 ЯНВАРДА ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўтказилган сайлов яқунлари кўриб чиқилди ва парламент куйи палатасига сайлов округлари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати конференциясида сайланган депутатлар рўйхатга олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича тузилган 135 сайлов округининг 127 тасида депутатлик мандати учун 4 нафардан номзод, 8 округда 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 789 минг 572 нафар сайловчининг 18 миллион 490 минг 245 нафари ёки 88,94 фоизи сайловда қатнашди.

Овоз бериш натижаларига кўра, 113 сайлов округида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг 47 нафари Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, 28 нафари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, 21 нафари Ўзбекистон Халқ демокра-

Saylov — 2014

тик партиясидан ва 17 нафари Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан сайланди. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг 21 декабрь куни бўлиб ўтган конференциясида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 15 депутат сайланди.

Сайланган депутатлар орасида ҳуқуқшунослар 33, иқтисодиёт соҳаси вакиллари 31, таълим соҳаси вакиллари 26, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари 21, соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари 7, жамоат ташкилотлари вакиллари 3 ва бошқа соҳа вакиллари 7 кишини ташкил этади.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 26 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда эълон қилинди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 2-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини 2015 йил 29 март куни деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2014 йилнинг 26 декабридан Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Марказий

сайлов комиссияси, ташкил этиладиган сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунларга қатъий мувофиқ равишда очик ва ошкора амалга оширилиши таъкидланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу марказ Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-йўлда жойлашган.

Шу кунини Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига ҳамда "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 2-моддасига ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

26 декабридан бошланиши эълон қилинсин.

3. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси» ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2015 йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2014 йилнинг

Марказий сайлов комиссияси
Раиси **М.АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 26 декабрь

«ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ» — БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ



ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ 2015 ЙИЛ 4 ЯНВАРДА ЎТКАЗИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Депутатларнинг 6 нафари-ни 29 ёшгача бўлганлар ташкил этса, 39 нафари 30-39 ёш, 44 нафари 40-49 ёш, 39 нафари 50 ва ундан катта ёшдагилардир. 43 депутат илмий даражага, жумладан, 6 депутат магистр, 29 депутат фан номзоди ва 8 депутат фан доктори илмий даражасига эга.

Депутатлар таркибида ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, корейс миллати вакиллари бор.

Сайланган 128 депутатнинг 21 нафари хотин-қизлардир. Сайланганларнинг 38 нафари аввалги чакирёқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 22 сайлов округида номзодлар-

нинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозни тўплай олмагани муносабати билан Марказий сайлов комиссияси 2015 йил 4 январь куни такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тadbирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу дастурга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида битта, Наманган, Тошкент вилоятларида иккита, Фаргона вилоятида учта, Сурхондарё вилоятида бешта сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Сайлов қонунчилигига биноан 22 сайлов округининг ҳар бирида асосий сайловда депутатликка энг кўп овоз ол-

ган икки номзодга такрорий овоз берилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясида 15, Ўзбекистон Халқ демократик партиясида 11, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида 9, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясида 9 номзодга такрорий овоз берилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодга нисбатан кўп овозини олган номзод депутатликка сайланган деб ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги ва такрорий овоз бериш тўғрисидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Шу куни 2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов натижаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Ортиқова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов миллий сайлов қонунчилиги талаблари, очиклик, ошқоралик ва муқобиллик каби демократик принципларга тўла мос равишда ўтказилганини таъкидлади.

Сайловни 5 халқаро ташкилот — Европада хавфсиз-

лик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислам ҳамкорлик ташкилоти миссиялари кузатувчилари кузатиб борди. Сайловни кузатишда жами 340 нафардан зиёд халқаро кузатувчи иштирок этди.

Бундан ташқари, сайловда ҳар бир сиёсий партиядан кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Шу тариқа сайловнинг очик ва ошқоралиги таъминланди.

Тadbирда Марказий сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилган масалалар бўйича батафсил ахборот берилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

Янги йил байрамими, айниқса, болажонлар орзиқиб кутади. Шу куни сахналарда турли томошалари билан завқ бағишлаётган севимли эртақ қахрамонларига махлиё бўлиб, ўзларини эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис этадилар. Республикаимиздаги барча вилоят, туман ва шаҳарларнинг марказларида кўтаринки руҳда ўтказиладиган «Президент арчаси» байрам тadbирларида шундай ширин хаёллар оғушида ўтирган болажонлар «Президент совғаси»ни қабул қилиб олганда қувончи янада ортади.

«ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ» — БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Хайрли аъёнага мувофиқ, ҳар йили Янги йил байрами арафасида меҳрибонлик ва Муруват уйлари ўғил-қизлари, «SOS — болалар маҳаллалари» тарбияланувчилари, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга «Президент совғаси» тарқатилади. Бу йил ҳам 12 номдаги ўқув қуроллари ҳамда 14 хил ширинликдан иборат 11 мингта совға жойларга етказиб берилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ва «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жамоатчилиги ҳамғармаси ҳамкорлигида «Президент арчаси» тadbирларини юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтказиш учун қизгин ҳозирлик кўрилди. 29-30 декабрь кунлари «Туркистон» саройида ўтадиган «Президент арчаси» тadbирининг асосий тантаналари учун қувноқ муслиқ томошалар тайёрланди. Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, Тошкент шаҳар

ҳокимлиги ва «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан байрам сахнасини безатиш, шодиёнага болаларнинг тизимли келиб-кейтиши ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тadbирлар белгиланган.

Бу йилги «Президент арчаси» тadbирларида меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларининг 2456 нафар, «SOS — болалар маҳаллалари»нинг 191 нафар, гўдақлар уйининг 629 нафар, оилавий болалар уйлари 10 нафар ҳамда муруват уйлари 1507 нафар тарбияланувчиси, шунингдек, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган 4440 нафар ўғил-қиз, хизмат вазифасини адо этиш чоғида қурбон бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 235 нафар фарзанди иштирок этиши режалаштирилган.

Ҳасан МЎМИНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Республика таълим марказида «Халқ таълими тизимидаги тажрибасини таянч майдонлари ҳамда «Маҳорат мактаблари» фаолиятини такомиллаштириш йўллари» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Тadbирда Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, вилоятлардаги методика марказлари услубчилари ва ҳудудий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари олимлари, экспериментатор-ўқитувчилар қатнашди.

Семинарда республика миқёсидаги 70та мактабда олиб борилган ўқувчиларда умумтаълим фанлари бўйича зарур компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тажриба-синовдан ўтказиш ишларининг 2014–2015 ўқув йили дастлабки чораги якунлари бўйича маълумот берилди. Экспериментатор-ўқитувчилар ва масъул методистлар ҳамкорлигини кенгайтириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар билдирилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Айтиш жоизки, педагоглар маҳоратини доимий ошириб бориш, тизимда узлуksиз методик хизмат кўрсатиш йўлга қўйиш таълим сифатини юксалтиришнинг муҳим омил саналади. Шу боис иштирокчилар бу борадаги ишларни янада жонлантириш, республикамизнинг барча ҳудудларида халқ таълими бошқаруви идоралари, ПҚКТМОИ ҳамда педагогика йўнали-

Seminar

шидаги олий таълим муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган «Маҳорат мактаблари» фаолиятини такомиллаштириш лозимлигига алоҳида тўхталдилар.

— Ҳудудлардаги «Маҳорат мактаблари»да тажрибали мутахассислар томонидан ўқитувчилар касбий компетентлигини оширишга доир тавсиялар берилмоқда, — дейди РТМ директори Ислам Зокиров. — Шу кунга қадар методистларимиз Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги «Маҳорат мактаблари»да бўлиб, ўқитувчиларга амалий методик ёрдам кўрсатишди. Бундай семинарларни барча ҳудудларда ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, РТМ веб-сайтига намунавий тарзда 30дан зиёд тавсия, 70дан ортиқ дарс ишланмалари жойлаштирилди, зарур йўл-йўриқлар берилмоқда.

Илҳом ЖЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЯНГИ ЙИЛ СЕВИНЧЛАРИ

Республика болалар кутубхонасида «Янги йил қувончлари» деб номланган байрам тadbiri бўлиб ўтди. Тadbирга 21-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, Мирзо Улугбек тумани «Шахрисабз» ва «Оқибат» маҳаллаларидаги кам таъминланган, бокучисини йўқотган оила фарзандлари ҳамда кутубхона томонидан йил давомида ташкил этилган тadbирларда фаол қатнашган болалар тақдир этилди. Ёш томошабинлар театри, «Дийдор» театр-студияси, «Рёно» студияси жамоасининг бадий чикишларини

болажонлар мириқиб томоша қилди.

— Янги йил байрамими болалар интиқлик билан кутади, — дейди кутубхонанинг бўлим бошлиғи Муҳаббат Хайруллаева. — Улар янги йилда мўъжизалар содир бўлишига ишонади. Биз намойиш этадиган томошалар ҳам айнан болаларга қувонч улашишга қаратилган.

— Ушбу кутубхонага тез-тез келиб турман, — дейди Юнусобод туманидаги 9-умумтаълим мактаби 4-синф ўқувчиси Адолат Мамадалиева. — Бугунги тadbирда ҳам дугонала-

рим билан иштирок этаёмиз. Қўғирчоқ театри актёрлари, масқарабозларнинг чиқишларини томоша қилдик. Менга байрам жуда ёқди.

Театрлаштирилган томошалар ва викториналарда қатнашиб голиб бўлган болалар махсус совғалар билан тақдирланди. Тadbирдан сўнг байрам дастурхони ёзилиб, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва кутубхонанинг фаол китобхонларига ҳам совғалар улашилди.

Отабек ОТАЁРОВ



В.ГРАНКИН олган сурат.

2014-yil 27-dekabr, № 103 (8752)

ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИКНИНГ УЛУФВОР ТИМСОЛИ

28 декабрь — хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилган кун

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида азим пойтахтимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари самарасида Тошкент шаҳри кундан-кунга чирой очиб, яшнаб бормоқда. Айниқса, Мустақиллик майдонида олиб борилган яратувчилик амаллари ушбу сўлим ва улғувор майдоннинг нафақат манзарасини, айтиш мумкин, ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз

ўзида мужассам этган ушбу мажмуага хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди.

Мустақиллик ва эзгулик эгизак тушунчалардир. Халқимиз истиқлолни қанчалар улуғласа, фарзандларни ёруғ дунёга келтирган оналарни ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули, деб эъзозлайди. Онани эъзозлаш — бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Мазкур икки қадрият замирида халқимизнинг асрий интилишлари, эзгу орзу-умидлари мужассам.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, минг йил-

роний отахону онахонлар, хорижий сайёҳлар, турли касб-кор, турли мавқедаги одамларнинг қадами узилмайдди. Зиёратга келган юртдошларимиз Мустақиллик ва эзгулик монументидаги Ер кўрраси тасвирида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўриб, гурур-ифтихор туйғуларини ҳис этади. Фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўз онасини, беғубор болалигини кўргандек бўлади.

Мустақил ҳаёт оstonаси сари қадам ташлаётган келин-куёвлар пок ниятлар билан Эзгулик аркасидан ўтиб, Бахтиёр она пойига гул кўйarkan, унинг сиймосида беғубор орзу-умидларини

нимиз, халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини оширишда ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни йирик халқаро мусобақаларга жўнатиш, юртимизда халқаро анжуманларни ўтказиш олдида ушбу обида пойига гулчамбар кўйиш яхши аънамага айланган. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар раҳбарлари, нуфузли делегациялар вакиллари юртимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар кўйиш орқали ифода этмоқда. Айниқса, мактаб оstonасига илк қадам кўяётган ўғил-қизларимиз дастлабки сабоқни Мустақиллик майдонида бошлаши қувонарлидир.

— Тошкентга бундан икки йил олдин келиб, бу бетакорор шаҳардаги зamonaviy иншоотлар, муҳташам таълим масканларини томоша қилгандим, — дейди япониялик Изумиши Тошитака. — Бугун эса шаҳар қисқа вақт ичида янада чирой очиб, кўплаб янги бино ва иншоотлар, йўл ва хиёбонлар бунёд этилганини кўрдим. Айниқса, Хадра майдони атрофи, Эски шаҳар ҳудуди ва шаҳар марказидаги ўзгаришлар Тошкентга янада кўркам қиёфа бағишлабди.

Янги йил байрами арафасида шаҳарнинг бир нечта жойида арча ўрнатилиб, кўчалар ранго-ранг чироқлар билан безатилгани, одамлар кайфиятидаги ўшқинлик ҳар қандай кишида завқ уйғотди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро то'увликнинг барқарорлиги ва, энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг халқпарвар сийосати самарасидир.

Айни кунларда Мустақиллик майдони Янги йил байрами муносабати билан янада кўркам ва файзли қиёфа касб этган. Бу ерда қад рoстлаган улкан арча барчага бирдек завқ улашди. Турфа безаклар, аттракционлар, театрлаштирилган дастурлар майдонда ўтказилган Янги йил шодие-наларига ўзгача шухуқ бахш этади. Майдонни болажонларимизнинг шўх-шодон овози тўтиб кетади. Озод юртининг бахтли болалари Бахтиёр она пойида Истиқлолимизнинг буюк неъматларидан баҳра оладилар. Бу юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, мусаффо омон, фаровон ҳаёт натижасидир.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида вазирлик мутасаддилари иштирокида тизимдаги ташкилот ва муассасаларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ишларни таҳлил этишга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМДА АКТ — ЗАМОН ТАПАБИ

Йиғилишни Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳамда ҳудудий бошқарув идоралари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари мутасаддилари, информатика фани услубчилари, АКТ бўйича таянч мактаб сифатида белгиланган умумтаълим муассасаларининг директорлари ва информатика фани ўқитувчилари жойларда туриб тўғридан-тўғри қузатиб борди.

Табирда вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг АКТ ҳамда бошқаруving корпоратив ва локал тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, интернет веб-сайтларини янада такомиллаштириш, умумтаълим муассасаларини тизимли равишда зamonaviy ахборот технологиялари билан таъминлаш, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Айтиш жоизки, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадига 2011 йили 2467та умумтаълим муассасаси АКТ бўйича таянч мактаб сифатида белгиланиб, тренер ўқитувчилар тайёрланган эди. Қолаверса, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида мактабларда 17227та чет тили кабинети ташкил этилиб, барчаси зamonaviy АКТ билан таъминланди. Бугун умумтаълим мактабларида информатика фани кабинетлари мавжуд бўлиб, интернетдаги миллий таълим порталларидан методик материалларни олиш имконияти яратилган.

Йиғилишда тизимдаги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, ахборот хавфсизлиги ва тезкор ахборот алмашувини таъминлаш, педагогларнинг АКТдан фойдаланиш маҳоратини янада ошириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири



ЎЗА сурати.

шуки, Бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намойён этсин, деган эди Президентимиз.

Дарҳақиқат, Ватанимизнинг бош майдони бўлган ушбу муаззам майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган энг улғув, энг азиз неъмат — истиқлолимиз тимсолидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга ато этган неъматларнинг нечоғлик буюк ва қадрли эканини шу майдон тўғрисида айтиш мумкин.

Халқимизнинг озод ва обод ҳаёт, эркин ва фаровон келажақ барпо этишдек улғувор интилишларини теранроқ ифодалаш, ёшларимизнинг маънавий оламида эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва қамол топтириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан 2005 йили Мустақиллик майдонида Эзгулик аркаси бунёд этилиб, Бахтиёр она ҳайкали ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбарининг тақлифига биноан, чуқур ва кенг маъно-мазмунли билан барчамиз учун азиз бўлган муқаддас қадриятларни

лар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлга бўлган муносабат билан белгиланган. Айниқса, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир. Шу маънода, Мустақиллик майдони ва ундаги Бахтиёр она ҳайкали аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромимизнинг ифодасидир.

Бир пайтлар офтоб тигида тандирдек қизиби, қишнинг совуғида одамлар дилига қандайдир ваҳима, ғашлик солиб турган бу майдон эндиликда йил-ўн икки ой яшнаб турувчи кўлалам-зору ранго-ранг гуллари, дарахтлари билан ҳам кўзни қувонтиради. Кундузи қуёш нурида, тунлари турфа чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил саклайди.

Мустақиллик майдони Эзгулик аркасидан бошланади. Унинг тепасидаги оппоқ лайлаклар тинчлик ва фаровонлиқнинг, қанот қорқаётган турналар давлатимизнинг порлоқ келажақ сари дадил парвоз қилаётгани тимсолидир.

Ушбу муаззам майдондан эрта тонгдан кечгача мактаб ўқувчилари, талабалар, ну-

кўргандек бўлади. Мустақиллик ва Эзгулик — ёшларга аждодлардан мерос қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажақ авлодларга етказиш масъулиятини англайди.

— Президентимиз Ислам Каримов ғояси ва ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг кўрку салоҳати, чуқур мазмуну билан юртдошларимиз қалбида истиқлолнинг нақадар улғув неъматлигини, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг энг муқаддас бурчини эканини англайиб туради, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 298-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Муборак Азизова. — Бу бетакорор обида халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг гурур-ифтихорини янада юксалтиришга хизмат қилади. Мен ҳар кунни дарс аввалида маънавият дақиқаларини ўтказаман. Ўқувчиларимга Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини синдиришга интиламан, мустақиллик берган неъматларнинг қадрига етишга ўргатаман. Бу ёш авлод онги ва қалбида истиқлолнинг Вата-

Yangiliklarda yurt nafasi



Тошкентда мамлакатимиз ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқув ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда касб-хунар коллежлари раҳбарлари, услубчилари, ишлаб чиқариш устаслари қатнашди.

Мамлакатимизда ўқитишнинг энг асосий бўғини саналган ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун замонавий коллеж ва лицейлар бунёд этилиб, турли йўналиш ва ихтисосликлар бўйича ўқувчиларга пухта билим берилмоқда. Айни пайтда ушбу билим даргоҳларини жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув адабиётларини давр руҳига мос тарзда мунтазам такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ватанамиз иқтисодиётининг жадал тараққий этиб бораётгани касб-хунар коллежларини тамомлаётган мутахассисларга бўлган эҳтиёжни тобора оширмоқда. Бу жиҳатлар, айниқса, қурилиш, ишлаб чиқариш, саноат, коммунал, сервис хизмати каби соҳаларда яққол намоён бўлмоқда. Бўлгуси мутахассисларнинг тажриба ва малакаси эса ўқув-ишлаб чиқариш, битирув-малакавий амалиётларнинг самарали йўлга қўйилганга бевосита боғлиқ.

Семинарда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги коллежларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйича тажрибалари тақдими бўлиб ўтди.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказида Осиё давлатлари халқ оғзаки ижодиётига афсона, эртак ва эпослар асосидаги сценарийлар халқаро танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлиги, Осиё «Эртақчилик санъати» халқаро кўмитаси ҳамкорлигида 2011 йилдан буён Осиё давлатларининг халқ оғзаки ижодиётига афсона, эртак ва эпослар асосидаги сценарийлар бўйича халқаро танлов ўтказиб келинмоқда. Ушбу танлов маданий-маърифий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, халқ оғзаки ижодиёти намуналарини асраш, уни кенг тарғиб этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги танлов июнь ойида эълон қилиниб, унга қадимий достон, ривоят, эртак ва афсоналар асосида яратилмаган анимацион фильмлар, телесериал, мюзикл, спектакль, бадиий фильм учун Марказий Осиё давлатлари, Жанубий Корея, россиялик муаллифлардан 200 га яқин турли жанрдаги ишлар тақдим этилди.

Ўзбекистонлик ёш ижодкор Гулноз Тожиевананинг анимацион фильм учун ёзилган «Жайхун ва аланга» сценарийни танловда биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ўргачч шахрида замонавий гипермаркет фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартдаги «Хоразм вилоятида 2013—2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ишга туширилган гипермаркетда кенг турдаги юқори сифатли савдо, овқатланиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган.

Замонавий дизайн ва кўринишда барпо этилган савдо мажмуаси тўрт қаватли бўлиб, ҳар бир қаватда харидор ва мижозлар учун қўлайликлар яратилган. Кино заллари, болалар ўйин майдончаси шулар жумласидандир.

«To'maris-nur» хусусий корхонасига қарашли ушбу йирик савдо мажмуасининг ишга туширилиши билан бир юз элликака яқин киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг олтими фоизи касб-хунар коллежини битирган ёшлардир.

Янги йил байрами арафасида очилган ушбу савдо мажмуаси шаҳримиз аҳоли учун ҳақиқий тўхфа бўлди, — дейди меҳнат фахрийси Зайнаб Худойберганова. — Бу ерда сотувчи ва харидорлар учун яратилган шарт-шароитга ҳавас қилса арзийди. Савдо бўлиmlаридаги тўқинликдан кўз қувнайди. Аҳолига қўлайлик яратиш, фаровонлигини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратаётган давлатимиз раҳбаридан миннатдорим.

Гипермаркетда қандалатчилик, нон маҳсулотлари ва тикувчилик цехлари ҳам иш бошлади.

Фаргона вилоятида 2014 йилда 20та маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

Бўш вақтда ёки дам олиш кўнлари оила аъзолари билан истироҳат боғлари, кинотеатр ва маданият саройларига бориб маданий дам олиш, мусавфо ҳавода сайр қилишнинг гашти ўзгача. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида бундай маданий масканларнинг кўпайиб бораётгани аҳолига катта қўлайлик яратиш билан бирга, шаҳар ва қишлоқларимиз кўркіга кўрк қўшаётди.

Янги йил байрами арафасида Риштон тумани Оқ ер қишлоғида замонавий маданият маркази иш бошлади.

Вилоят ва туман ҳокимликлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирок этган марказининг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариши учун қўлай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Спорт ва катта концерт залларига эга ушбу марказда бадиий гимнастика, шунингдек, рубоб, доира каби миллий мусиқа асбоблари бўйича тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга байрамона кайфият бағишлади.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Президент асарларини ўрганамиз

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилиб келинган «Президент асарларини ўрганамиз» республика кўрик-танловининг якуний босқичи пойтахтимиздаги 144-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

Унда ҳудудий босқичлардан сараланган 15 нафар ўқувчи ғолиблик учун ўзаро беллашди. Ўғил-қизлар ўз ижодий ишларида Президентимиз асарларида ёритилган мамлакатимиз давлат мустақиллигини қўлга кириштиш арафаси ва ундан кейинги йилларда олиб борилган кенг қўламли ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Улар белгиланган шарт-

лар бўйича ўзбек шоирларининг «Мустақиллик», «Ватан» ҳақидаги шеърларини ифодали ўқиб, Президент асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва истиқлол йилларидаги ислохотлар ҳақида тузилган 20та тест саволига жавоб беришди.

— Беллашув келгуси ўқиб ва ишларимни юксалтиришда, ҳаёт йўлимни ойдинлашти-

ришда катта мактаб бўлди, — дейди кўрик-танловнинг олий ўрин соҳиби, Навоий шаҳридаги 11-ИДУМ ўқувчиси Сабина Худойкулова. — Танлов жараёнида кўплаб тенгдошларим билан танишиш ва фикр алмашиш имконига эга бўлдим. Тайёрланиш жараёнида Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини қайта-қайта ўқиб чиқдим.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Хасан МҲМИНОВ, «Ma'rifat» мухбири

86 мингга яқин иш ўрни яратилди

2014 йили Тошкент шаҳрида 90 мингга яқин иш ўрни яратиш белгиланганди. Йил якунига келиб қандай натижага эришилди?

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган матбуот анжумани ана шу масала таҳлилига бағишланди. Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Мадамин Раҳимов оммавий ахборот воситалари ходимларига энг муҳим маълумотларни тақдим этди.

— Тошкент шаҳрининг 2014 йил январь—ноябрь ойларида иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқ-

ланган ҳудудий режасида 5958та корхонада 84364та иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, амалда 85882та иш ўрни яратилди. Айниқса, пойтахтимиздаги мавжуд 76та касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу йилда ана шу мақсад учун тижорат банклари томонидан 20,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилди, — деди бошқарма бошлиғи Мадамин Раҳимов.

Матбуот анжуманида журналистлар кун тартибидagi мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Хулқар ТҲЙМАНОВА, «Ma'rifat» мухбири

Тадбиркор аёллар тақдирланди

Ўзбек Миллий академик драма театрида тадбиркор аёллар ўртасида ўтказилган «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг якунлари бағишланган тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда тадбиркор хотин-қизлар учун яратилган имкониятлар, таълим муассасаларини тамомлаган қизларни ишга жойлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тад-

биркорлик фаолияти билан шуғулланиш истидаги аёллар банк-молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредит ҳамда жамоат ташкилотларининг истиқболли лойиҳалари хусусида сўз юритишди.

Шундан сўнг «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ғолибларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва банк маблағларини кафолат-

ловчи сертификатлар топширилди.

— Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун 70 миллион сўм имтиёз банк кредити оладиган бўлдим, — дейди Пахтакор туманидаги «Лобар» МЧЖ раҳбари Гулноз Косимова. — Бизнес лойиҳамда замонавий мебель ишлаб чиқариш корхонаси очиш режалаштирилган. Бу ишларимиз аҳоли фаровонлиги ва турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилади.

МУХБИРИМИЗ

Бола мактабга қандай тайёрланади?

Таълим муассасасида туман ХТМФМТЭ бўлими мутасаддилари, хотин-қизлар кўмитаси вакиллари иштирокида «Болаларни мактабга тайёрлаш самарадорлигини ошириш омиллари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Иштирокчилар боғчамизда ташкил этилаётган машғулотлар сифати ва самарадорлигини ўрганиш мақсадида «Геометрик шакллар билан таништириш» машғулотини кузатишди. Тарбиячи Ж.Мамутова кўргазмали қурол, интерфаол усул ҳамда мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиб, тарбияланувчиларни геометрик шакллар билан таништириди, фаол иштирок этганларини муносиб рағбат-

лантирди. Инглиз тили тўғрисида раҳбари Н.Ўтаму-родованинг «Инглиз тилини ўрганамиз» мавзусидаги очик машғулотида болажонлар ўрганганларини ҳаракатли ўйинлар орқали ифодалаб, педагоглар эътирофига сазовор бўлди.

МТМҒа қамраб олинмаган болалар учун яратилган беш номдаги қўлланма ҳамда «Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига-қўйилган давлат талаблари» мавзусидаги тақдиротлар семинар иштирокчиларига намойиш этилди. Тадбир сўнггида МТМда болалар камровини ошириш, қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди.

Комила СОДИҚОВА, Учқудук туманидаги 2-МТМ мудираси

АКТни яхши билган ўқитувчи

дарсларни мазмунли ўтади

Ўқув жараёнига электрон ахборот таълим ресурсларининг самарали татбиқ этилаётгани, машғулотларда «ZiyoNet» тармоғи ва электрон дарсликлардан унумли фойдаланилаётгани бугунги кун ўқитувчисига катта қўлайлик яратмоқда.

Пойтахтимиздаги 250-мактабда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг

методика маркази томонидан Халқ таълими вазирлигининг таълим жараёнига ахборот-коммуникация техно-

лологияларини жорий этиш бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган «Таълим сифати ва самарадорлигини оширишдаги ўрни каби мавзулар юзасидан фикр алмашилди, — дейди методика маркази раҳбари Қахрамон Алимародов. — Бу каби тажриба алмашувлар ўқитувчиларни ижодий изланишга, дарсларга пухта тайёрларлик қўришга ва машғулотларни мазмунли ўтишга ундайди.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.



АТТЕСТАЦИЯ ВА АККРЕДИТАЦИЯ

мактабнинг билим ўчоғи деган мақомга муносиблигини кўрсатади

Хар бир боланинг мактабда ўтадиган тўққиз йиллик ҳаёти муайян билим, кўникма ва малакага эга муштақил шахс бўлиб ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу даврни чинакам излашни, ақлан ва жисмонан шаклланиш палласига айлантириш мактаб жамоаси зиммасига улкан масъулият юклайди. Зеро, муассасадаги таълим-тарбия сифати, моддий-техника базасининг мустаҳкамлиги, ўқув жараёнида ахборот-коммуникация воситалари ва ўқитишнинг замонавий методларидан самарали фойдаланилаётгани ўқувчи шахсини камол топтириш билан бирга, мактабнинг билим ўчоғи деган мақомга муносиблигини кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 10 январда тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари, бошқа ташкилот ва идоралар тасарруфидagi умумий ўрта таълим муассасаларини 2011—2015 йилларда аттестациядан ўтказиш режаси»га асосан юртимиздаги умумтаълим мактабларининг аттестациядан ўтказилаётгани директорлар олдида ўз фаолиятини янгича асосда ташкил этиб, билим беришга хизмат қилувчи мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини янада ошириш, энг муҳими, барча имкониятларни ўқувчилар иқтидорини юзага чиқаришга йўналтириш вазифасини қўймоқда.

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низоми, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқномага мувофиқ умумтаълим мактаблари белгиланган мезонлар асосида баҳоланиб, аттестациядан ўтказилаётган.

— Умумтаълим мактаблари ҳудудий ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган туман(шаҳар) аттестация комиссиялари томонидан 9 йўналишда аттестациядан ўтказилади, — дейди Республика таълим марказининг таълим муассасаларини аттестация ва аккредитацияга тайёрлаш методик таъминоти бўлими бош методисти Зоҳир Зарифуллаев. — Мазкур йўналишлар таълим муассасасида ўқув жараёнига давлат таълим стандартларининг жорий этилганлиги, ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги, ўқув-услубий ишларнинг олиб борилиши ва ўқувчиларнинг дарелик ҳамда услубий қўлланмалар билан таъминланганлиги, педагог кадрлар салоҳияти, таълим жараёнига замона-

вий ўқитиш методлари ва ахборот технологияларининг жорий этилганлиги, таълим муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича давлат дастурининг бажарилганлиги, маънавий-маърифий ишлар, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш чоралари ва рейтинг баҳолаш тизимининг қўлланиш сифати кабиларни ўз ичига олади. Мактаб директори аттестацияга тайёргарлик жараёнида мазкур йўналишларга масъулларни тайинлайди ва

Jarayon

ижроси таъминланишини назоратга олади. Аттестация ҳулосаси комиссия томонидан белгиланган талабларга мувофиқ тайёрлангач, Давлат тест марказига аккредитациялаш учун юборилади.

«Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низоми 2-бўлим 9-бандига асосан янги ташкил этилган таълим муассасаси аттестацияси биринчи битирув якунларига кўра таълим олувчилар тайёрлаш даври тўла тугагандан сўнг ўтказилади. Мактаб мақоми (масалан, умумтаълим мактаби ИДУМга ёки аксинча) ўзгартирилса ҳам, биринчи навбат битирувчилар таълим муассасасини тамомламагунга қадар аттестациядан ўтказилмайди. Бундан ташқари Давлат дастури асосида таъмирлашга киритилган таълим муассасалари ҳам

кейинги йилги аттестациядан ўтказиш режасига киритилади.

Ўтган ўқув йилида 1854 та умумтаълим муассасаси аттестациядан ўтказилиб, Давлат тест маркази томонидан аккредитацияланди. Режадаги ўрта мактаб аккредитация қилинмагани боис жорий ўқув йилида қайта аттестациядан ўтказилиши белгиланган.

Олдинги йилларда мактабларни аттестациядан ўтказишда ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ бир қатор камчиликлар кузатишга эришилди. Бу йил бундай нуқсонларни бартараф этиш ва қайта такрорламаслик учун муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезон ва технологиялари бўйича йўриқнома»га зид равишда ўқувчилардан назорат ишлари олиш, назорат ишларини экспертлар ўрнига аттестациядан ўтказилаётган мактаб ўқитувчилари текшириши каби ҳолатларга барҳам берилди. Давлат тест маркази ва Республика таълим маркази мутахассислари таълим муассасаларини аттестацияга тайёрлаш ва аттестациядан сифатли ўтказиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган аттестация комиссияларига амалий методик ёрдам кўрсатишмоқда.

— Ўтган йили Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган механизм асосида ҳудудий бошқарув

идораларининг аттестация комиссиялари қошида экспертлар гуруҳининг ташкил этилгани боис камчиликлар олдинги йилларга қараганда анча камайди, — дейди Зоҳир Зарифуллаев. — Аттестация ҳужжатларини тўғри юрийтиш бўйича мутахассислар томонидан «Умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациядан ўтказишда расмийлаштириладиган ҳужжатларни юрийтиш бўйича тавсиялар» қўлланмаси ишлаб чиқилиб, электрон нусхалари жойларга етказилгани ҳам ўз самарасини бераётган. Жараёнинг изчиллигини таъминлаш, хато ва камчиликларнинг олдини олиш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этиляпти. Жорий йилнинг ноябрида Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази ҳамкорлигида ҳудудий халқ таълими бошқарув идораларининг таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш жараёнига масъул ходимлари ва экспертлари учун «Таълим сифатини баҳолашдаги муаммо ва ечимлар» мавзусида республика ўқув-семинари ўтказилиб, бу борадаги муаммолар атрофлича ўрганилди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан муайян вазифалар белгиланди.

2014-2015 ўқув йилида 1900та мактабни аттестациядан ўтказиш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда жараён босқичма-босқич давом этмоқда.

Хайриддин МУРОД,
«Ma'rifat» мухбири

ЎҚИТУВЧИНИНГ ИЖОДИЙ МАҲОРАТИ

машғулотларни ноанъанавий
ўтишда қўл келади



Яккасарой туманидаги 26-умумтаълим мактабида 2-синф ўқувчилари иштирокида математика фанидан «Номаълум камаювчини топиш» мавзусида очик дарс ташкил этилди.

Бошланғич синф ўқувчилари билан ишлаш бора-бора кўп йиллик тажрибага эга муаллима Юлдуз Жабборовна машғулоти ноанъанавий усулда ташкил этиб, ўқувчиларда мавзу юзасидан тушунча ҳосил қилгач, индивидуал тарзда савол-жавоб ўтказди. Ўқитувчи болаларни гуруҳларга бўлган ҳолда интерфаол ўйинлар уюштириб, масала ечишининг содда усулини видеопроекторда намойиш этди.

Ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлаш учун тарқатма материал, кўргазмалар қўроллар ҳамда АКТ воситаларидан фойдаланилиши дарснинг янада қизиқарли бўлишини таъминлади. Очик дарс сўнггида туман ХТМФМТТЭ бўлими ходимлари, ўқитувчилар ҳамда машғулотда иштирок этган ота-оналар педагогнинг дарс ўтиш усулини муҳокама қилдилар.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ҚАЙСИ ГУРУХҲ ТОПАҒОН?

5-синфда она тили фанидан "Сўз туркумлари" мавзусини ўтаётганда илгор методлар ва бошқотирмалардан фойдаланиш дарсининг қизиқарли бўлишини таъминлайди. Машгулотда дастлаб мустақил ишлаш учун бошқотирмалар материаллар тарқатилади. Сўнг от, сифат, олмош ва феъл сўз туркумлари ҳақида батафсил маълумот берилади. Бола тасаввурини бойитиш учун ўқитувчи ўғил-қизларни тўрт гуруҳга бўлади.

Масалан, биринчи гуруҳ — қиш фаслида туғилган ўқувчилар жамоаси "От" деб номланади. Иккинчи гуруҳ баҳор фаслида туғилган ўқувчилардан иборат "Сифат" гуруҳи. Ёз ва куз фаслида туғилган ўқувчилардан эса "Олмош" ва "Феъл" гуруҳлари тuzилади.

Ҳар бир гуруҳ ўз фаслини ифодаловчи расмни чизиш, шу асосда матн яратади. Шартга кўра, ўқувчилар матнда ўз гуруҳи номланган сўз туркумига оид мисолларни кўпроқ ишлатади.

Кейинги босқичда матндаги мисоллар сараланади. Жумладан, 1-гуруҳ от ва сифат сўз туркумига хос сўзларни танлайди. 2-гуруҳ эса сифат ва олмош ҳақида гапириб, ўхшаш жиҳатларини солиштирилади. 3-гуруҳ ўқувчиларини олмош ва феъл сўз туркуми, 4-гуруҳ аъзолари феъл ва отга хос хусусиятларини сўзлаб беради.

Сўнг тарқатма материаллардаги бошқотирмадан сўз туркумларига оид мақолларни топиш вазифаси берилади. Бунинг учун ҳарфлар каттакчаларга муайян кетма-кетликда сочиб юборилади. Зукко ўқувчилар ҳарфлардан сўз, сўзлардан мақол ҳосил қилади.

Масалан, 1-гуруҳ учун бошқотирма:

т	ў	д	и	э
ғ	р	г	р	и
и	ў	т	ў	з
з	а	а	д	и

Жавоби: Тўғри ўзади, эгри тўзади.

2-гуруҳ учун бошқотирма:

к	т	и	н
и	о	м	б
б	б	м	а
и	л	а	и

Жавоби: Китоб — билим манбаи.

Умумтаълим мактабларида ҳар бир ойни муайян фанга бағишлаб, шу фанга оид тадбирлар, очик машғулотлар, викториналар ташкил этиш яхши анъаналар айланган. Ойликда ўқувчилар танловларда иштирок этиб, янги маълумотлар олади, билимидаги бўшлиқларни тўлдирди. Шу мазмундаги ишларни мактабга таълим муассасаларида ҳам соддароқ тарзда амалга ошириш мумкин. Бунда фанлар ўрнига машғулот ойлги ташкил этилади. Тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятини ҳисобга олиб, «Муслика ойлги», «Тасвирий санъат ойлги», «Спорт ойлги», «Меҳнат ойлги», «Эртақлар ойлги», «Табиат ойлги» ва ҳоказони ўтказиш мумкин. Ойликларда машғулотлар амалдаги режа асосида олиб борилад, танланган мавзуга ҳамда инглиз тилини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Масалан, **муслика ойлгида** тарбияланувчиларнинг кун давомида яхши кайфиятда бўлиши, ухлаш вақтида алла, машғулотларда муслика садолар жўр бўлиши назарда тутилади. Бу болаларнинг эстетик дидини ривожлантиради, қобилиятини намоён этади. Шўх мусликалар, Ватан ҳақидаги қўшиқларни бола бочгага кириб келиши билан қўйиб бериш, кичкинтойларнинг дам олиши, маънавий

озука олиши учун классик куйлардан фойдаланиш маъқул. Жисмоний машқлар олиб борилаётганда, кувноқ дақиқаларда эстрада куй ва қўшиқларидан, доира садоларидан фойдаланиш лозим. Болажонларга инглиз тилидаги "Happy birthday", "Twinkle twinkle little star", "My chickens" каби қўшиқларни ўргатиш лозим. Шу аснода кичкинтойларнинг мусликий қобилияти юзага чиқади.

Тасвирий санъат ойлгида болаларнинг расм чизиш қобилияти аниқланади. Машғулотларда қозғога рангли қаламлар, асфальтга бўр билан, очик ҳавода ерга майда чўплар ёрдамида расм солинади. Кўргазмалар, гуруҳлар орасида танловлар ташкил этиб, тасвирий фаолият ойлгини янада мазмунли ташкил этиш мумкин. Бунда тарбияланувчилар қалам ва акварелдан тўғри фойдаланиш, эстетик талабларга риоя қилишни ўрганадилар.

Спорт ойлгида болалар гуруҳлараро мусобақалар, эстафеталар, спорт ўйинлари билан шуғулланади. Машғулотларда спорт турлари, ўйинлари ва анжомлари ҳақида маъ-

3-гуруҳ учун бошқотирма:

о	т	н	л
н	и	д	з
о	а	а	а
д	и	м	з

Жавоби: Одам — олтиндан азиз.

4-гуруҳ учун бошқотирма:

д	р	л	б	и
о	а	в	и	нг
н	е	о	о	р
х	к	м	у	ғ

Жавоби: Деворнинг ҳам қулоғи бор.

Жавоблар топилгач, ҳар бир гуруҳ гап тутади. Гапларда сўз туркуми бош бўлак ва иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши керак. Масалан, от сўз туркуми бўйича қуйидагича гаплар тuzилади:

1. Китоб инсонга кўп маълумотларни беради.
2. Она — буюк зот.
3. Гулларнинг ифори хонага тарқалди.

Гапларда от эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол вазифасида келаяпти.

Шу тарика ташкил этилган дарс ўқувчиларнинг мавзунинг оson ўзлаштиришини таъминлайди. Педагог илгор методлардан самарали фойдаланса, ДТСда белгиланган билимларни ўқувчиларга оson етказиб беради.

Муҳаббат ВАЛИХҲАЕВА,
Халқ таълими вазирлиги тасарруфидоғи аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Sinab ko'ring

лумот берилади. Уларнинг инглизча ифодалинишини ҳам ўргатиш мумкин. Ойликда болалар спорт машқларини кўпроқ бажаради.

Меҳнат ойлгида болаларнинг иш фаолияти шакллантирилади. Режадаги машғулотлар одатдагидек давом этса-да, дам олиш дақиқаларида, ўйин фаолиятида асосий эътибор меҳнат тарбиясига қаратилади. Майдончада, очик ҳавода ўғил

болаларнинг саводини чиқариш билан бирга мантикий фикрлаш, изланувчанлик, ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш бошланғич синф ўқитувчисининг муҳим вазифалари сирасига киради. Бунинг учун ҳар бир ўқувчининг мустақил фикрлаш ва фикрини эркин баён қилишига имкон яратиш, дарсларда фаоллигини ошириш, мантикий фикрлашга қодирлигига ўзида ишонч уйғотиш лозим.

МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШНИ ЎРГАНАМИЗ

Қизиқарли машғулотлар ва ўйинлар болажонларнинг тафаккурини ривожлантиради. Бунинг учун муаллим дарсда қўшимча манбалардан фойдаланиши зарур. Масалан, Бобораҳим Омоновнинг "Ойлада математика: ота-оналар учун" рисо-ласида берилган топшириқлардан фойдаланиб, "9га оид 9 топшириқ" машқини қўллаш бошланғич синф ўқувчиларининг фаоллигини ошириб, ҳозиржавоблигини синовдан ўткази:

1. 9гача бўлган рақамлар йиғиндисини нечага бўлса, 9 чиқади?
 2. 9гача бўлган рақамларни шундай иккитадан қилиб ёзингки, уларнинг йиғиндисидан нукул 9 ҳосил бўлаверсин.
 3. 9гача бўлган рақамлардан шундай сонлар ҳосил қилингки, уларни 9 га бўлганда 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 чиқсин.
 4. 9га шундай сонни кўпайтирингки, қўпайтма 9 бўлсин.
 5. Шундай сонни топингки, ўз-ўзига кўпайтмаси 9 бўлсин.
 6. Қайси сонга 10ни қўшиб, 10га бўлса, 9 чиқади?
 7. Мактабларда 9-ойдан бошланадиган ўқув йили неча ой давом этади?
 8. Қайси сонга 9ни қўшас, йиғинди 9га тенг бўлади?
 9. Қайси сондан 19ни айтириб, 9га бўлса, 9 чиқади?
- Мантикий фикр теранлиги ақлий фаолиятни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Бола ақлини чархлаб, топқирлиги, зийраклигини оширади. Тартибли, мантиқли, исботли ва аниқ

фикрлаш кўникмасини шакллантиради.

Дарсларда турли мантикий топшимоқларни бериш ҳам мумкин. Масалан:

- 1) "Анҳор бўйида уч қарағай ўсади. Дарахларнинг ҳар бирининг учтадан йўғон шохи бор, ҳар бир йўғон шохда бештадан новда бор. Ҳар бир новдада етти дондан олма бўлса, ҳаммаси бўлиб неча дон олма бор?" (Жавоби: битта ҳам олма йўқ, чунки қарағайда олма бўлмайди).
- 2) "Учта тракторчининг Аҳмад исми акиси бор. Лекин Аҳмад аканинг укалари йўқ. Тракторчилар кимлар?" (Жавоби: тракторчилар — аёллар. Аҳмад аканинг сингиллари).
- 3) "Бир жойда ёниб турган саккиз лампочкадан учтаси ўчса, неча лампочка қолади?" (Жавоби: саккизта лампочка қолади, чунки уч лампочка фақат ўчирилди, сингани йўқ).

Бундан ташқари, сўз ўйинига асосланган машғулотлар ўқувчини сўзлар маъносини фарқлашга ўргатади. Уларни турли муаммоли вазиятларга ҳам тортиш, танқид, гумон ҳолатларини муҳокама қилиш чоғида фикрини тинглаб, тафаккурини синати мумкин.

Умуман олганда, фикрлаш қобилияти ривожлантирилиши боланинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлигини ошириб, чуқур билим олишга ва келажакда ҳаётдан ўз ўрнини топишга ундайди.

Норхол ҲАСАНОВА,
Қашқадарё вилоят ПКҚТМО институти ўқитувчиси

МАШҒУЛОТЛАР ОЙЛИГИ

бола қобилиятини эрта аниқлашга ёрдам беради

болалар қум, лево, кубиклар билан куриш-ясаш ишларини амалга оширади. Гуруҳларда турли кичик тадбирлар, мусобақалар, кўргазмалар ташкил этилади. Қиз болалар тарбия-ч кўмағида гуруҳ хонасини тозалаш, қайта жиҳозлаш, яроқсиз ҳолга келган ўйинчоқларни таъмирлаш, тикиш, ямаш, елимлаш, артиш, бурч-чашлар ўрнини алмаштириш каби ишларни бажаради. Машғулотларда ошхона жиҳозлаш, куриш-ясашга оид атамаларнинг инглизча айтилиши ўргатилади.

Эртақлар олами ойлгида тарбияланувчилар кўпроқ эртақлар, мультфильмлар, сахна кўринишлари, кўғирчоқ театри

ламира бўлади. Эртақларки жисмоний машқлар вақтида тарбиячи кўпроқ эртақ ҳаёт-монлари ҳаракатини болаларга бажартиради. Масалан: "Болажонлар, қани барчамиз ай-иқчалар, кўёнчалар, тулқича-лар, қушчаларнинг ҳаракатини бажарамиз". Машғулотларда ҳам эртақлар орқали, масалан, эртақ ҳаётмонларини тасви-лаш, эртақлар руҳи уфориб турган қўшиқлар, мультфильм-

дарахлар парваришланади, гулзор бегона ўтлардан тозала-нади. Шу ишлар болалар билан биргалликда бажарилади. Совуқ ҳавода эса табиатдаги ўзғаришлар, қушлар, иқлим ҳақида маълумотлар берилади. Тасвирий санъат машғулотла-рида жониворлар, қушлар, ўсимликлар, дарахлар тасви-рланади. Бу машғулотларда бо-лалар теваарак-атроф тўғриси-даги илк билимларни эгаллай-ди, ўзлари учун қизиқ бўлган саволларга жавоб топади. Об-ҳаво, ўсимликлар, ҳайвонлар-нинг инглизча номлинишни ўргатиш эса ойликни мазмунан бойитади. Тарихий обидалар-ни кузатиш асносида болалар-га маданий меросимизга ҳур-мат, Ватанимизга муҳаббат туй-ғуларини сингдирилади.

Мактабга таълим муассаса-ларида машғулот ойлликларини ташкил этиш таълим-тарбия сифатини янада такомиллаш-тиришга, тарбияланувчилар-нинг қобилиятини эртақроқ били-ди билан уларга кенгроқ били-м беришга қаратилади. Нати-жада боланинг бочаданок ке-лажакда қайси касбини эгал-лаш борасидаги орзу-ҳавасла-рини ойдинлашди ва аниқ мақ-сад сари интилади.

Нозима АСЛАНОВА,
Бухоро вилоят ПКҚТМО институти «Педагогика ва психология, мактабга ва бошланғич таълим» кафедраси мудири

2014-yil 27-dekabr, № 103 (8752)

БОШИМДА СОЯБОНИМ — ВАТАН!

Юртимизда меҳрибонлик уйлари фаолиятини такомиллаштириш, ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг ижтимоий психологик реабилитациясини ва ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ижтимоий меҳнат кўникмаларига эга бўлиши ва жамиятга уйғунлашувиغا кўмаклашиш борасида амалга оширилган ишлар тахсинга сазовор. Бу ғамхўрликларни меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг республикаимизнинг барча ҳудудларидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларида тахсил олаётгани ва уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида тураржойлар ва катта миқдордаги пул маблағлари ажратилган мисолида кўриш мумкин. Хусусан, Бухоро вилоятида ҳам бу йилги битирувчилар учун ана шундай хайрли ишлар амалга оширилди.

2013-2014 ўқув йилида 35 нафар тарбияланувчи академик лицей ва касб-хунар коллежларида тахсил олишди. Бу йил уларнинг 15 нафари мустақил ҳаётга қадам қўйди. Бири қурувчи, бири йўлсоз, бири таржимон, бири ҳуқуқшунослик касбини эгал-

G'amxo'rlik

лаган бу ўқувчиларнинг барчаси учун давлатимиз томонидан тураржойлар ва шахсий сармоя учун йирик миқдордаги пул маблағлари ажратилди.

— Мен Бухоро қурилиш ва миллий хунармандчилик коллежини тугатдим, — дейди ана шундай ўқувчилардан бири Абдурашад Шарипов. — Битирув арафасида ўз иш жойим ва шахсий уйимга эга бўлдим. Давлатимизнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрлиги са-

ховати чексиз. Олдинда бизни фақат яхши иш ва эзгу амаллар кутмоқда. Мустақил ҳаётга қадам қўяр эканман, мени ота-онамдай парваришлаб, бошимда соябон бўлган она Ватаним олдида қарзларим кўп эканини чуқур ҳис қиламан. Ватан равнақи, ҳимият тараққиёти йўлида тинмай меҳнат қилишни ўзимнинг шарафли бурчим деб биламан.

— Яқинда оила қурдим, — дейди яна бир битирувчи Достон Бақоев. — Тўй харажатлари давлат маблағи ҳисобидан қопланди. Шунингдек, мустақил ҳаётда оилавий ва шахсий сармоя юритиш учун йирик миқдордаги пул маблағига эга бўлдим. Ўз оилам, уйим ва иш жойимга эгаман. Инсон учун бундан-да ортқ бахт борми, ахир!

Ирода ОРИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ИШОНЧ УЛГАЙСА, ИСТЕЪДОД УЛГАЯР

Болалигидан тарихий обидалар, уларнинг бетакрор жозибаси, гўзал нақш ва нилый ғамбазларига ошфута бўлиб, бу жойларда ўтган воқеа-ходисалар сир-синоатини билишга интилган Меҳрож Собиров тинмай китоб титкилар, ота-онаси ёки устозлари ва дўстлари билан тарихий обидаларни томоша қилишга тез-тез бориб турарди. Бунёд этилганига неча асрлар бўлганига қарамай, ўз тароватини, жозибасини йўқотмай келаётган бинолар, жилоланиб турган ранг-баранг нақшлар, бетакрор геометрик шакллар ўзига жалб этарди. Ёш Меҳрож бунинг сирини билишни истарди. Мана шу истак уни Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига етаклади. Айни пайтда 3-босқичда тахсил олаётган қизиқувчан йигит ўқиш ва изланишдан толмай, ўз таълим йўналишидагина эмас, балки унга узвий боғлиқ тасвирий санъатнинг рангтасвир, мойли бўёқ йўналишлари, шунингдек, компьютер графикаси ва замонавий шахарсозликка оид билимларини ҳам мустаҳкамлаб келмоқда.

Меҳрож бугун институтда таълим олиш жараёнида ёшлигида ўзини қийнаган саволларга жавоб топаётти. Асрлар оша ўз кўрқи ва тароватини йўқотмай келаётган иншоотларнинг пойдевори, қурилиш материаллари, лойиҳа ва тарҳини ўрганмоқда. Шу илмий тадқиқот ва ўрганишлари асосида тарихий обидаларни реконструкция қилиш борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзиб бораёттир.

— Мақсадим — йиллар бўронидан, асрлар тўфонидан емирилаётган минглаб тарихий ин-

шоотлар кўйфасини тиклашга ҳисса қўлишдир, — дейди М.Собиров. — Бунда нафақат қадимда ишлатилган қурилиш ҳомашёларида, балки юртимизнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, ёғингарчиликка, иссиқ ва совуққа чидамли, пишққ замонавий қурилиш материалларидан ҳам фойдаланиш устида иш олиб бормоқдаман. Институтимизнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари — устозларим ёрдамларини аямасдан, тўғри йўналиш кўрсатиб келишмоқда.

Izlanish

Меҳрож Собиров устозлари А.Ўролов, Л.Холмуродова, Т.Қўшмонов ва Д.Усмонова раҳбарлигида соҳага оид илмий тадқиқотларини давом эттириб, айни кунларда «Амир Темур макбарасининг график таҳлили», «Муҳаммад Султон хонақоси ва уни график қайта тиклаш» ва «Икки қаватли тураржой ҳовлиси» каби лойиҳалар устида иш олиб бораёттир. Яратилган имконияتلардан унумли фойдаланган М.Собиров турли йўналишлар бўйича фаол ёшларни саралаш, уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш ва рағбатлантиришга қаратилган «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг «Тарихий обидаларни қайта тиклаш ва таъмирлаш» номинациясида ғолибликни қўлга киритди. Меҳрож каби интилувчан ёшлар ўз олдиларига аниқ мақсад қўя олади. Зеро, тўғри қўйилган мақсад кишини ғалабага ундайди.

Ҳақим ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!

Бу муқаддас бурчини ҳис этсин уйғоқ юраклар...»
(2014 йил 6 декабрь) мақоласини ўқиб...

«Ma'rifat» газетасини мунтазам ўқиб бораман. Илмий-услубий, маънавий-маърифий мақолаларни ўқувчилар билан бирга муҳокама қиламиз. Касбдошларимнинг дарс ўтиш методини ўрганиб, илғор усулларни дарс жараёнида қўллайман. Шу йилнинг 6 декабрь сонидан чоп этилган «Ватанимга хизмат қиламан!» мақоласини ўқиб, бир ишни режалаштирдим. Эртасига ўқувчиларимдан Ватан учун қандай хизмат қилишни сўрадим. Улар ўспирин. Анча ўйланиб жавоб беришди. Ўғил болалар учунчи ё ҳарбийлик орқали, қизлар шифокор ёки тикувчи бўлиб эл-юрт қорига ярашини га-

пирди. Кейин Ватанга хизмат шарафли эканини тушунтирдим. Барибир бугун ва келажак ўртасидаги гап очик қолганди. Сўнгга бугун Ватан учун қандай хизмат қилиш мумкинлигини сўрадим. Ўқув-

Aks sado

чилар бироз ўйланишди. Шунда ушбу мақолани бир-галикда ўқиб, ўқувчиларни ишга ёзишга ундадим. Болалар вазифани бажарган, ижодий ишлар билан танишдим. Кейин уларга бугунги ҳар қандай хайрли амал Ватанга хизмат эканини тушунтирдим. Ёмон ишлардан йироқ юриш, иллатлар домига тушиб қол-

маслик лозимлигини таъкидладим.

Йўлдан ўтишга қийналаётган кичкинтойни ўтказиб қўйиш, кекса бир кишига кўмаклашиш, жилла курса, бир парча ерни обод қилиш — буларнинг барчаси Ватан равнақи учун эканини улар тўққинлашиб гапирди. Ватанпарвар, яхши инсон бўлиш учун эса яхши амалларни кўпроқ бажариш лозимлигини англаб етдилар. Бу борада «Ma'rifat» газетасига миннатдорлигини изҳор этаман. Шундай мақолалар қалбларни уйғотишига ишонаман.

Нилуфар РАШИДОВА,
Зарбдор туманидаги
24-мактаб ўқитувчиси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 29 сентябрдаги 391-сонли буйруғига асосан, вазирлик қошида Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш бўйича бош илмий-методик марказ ҳамда таянч олий ўқув юртлари қошида минтақавий ва тармоқ марказлари ташкил этилган эди.

Жиззах политехника институтига минтақавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш иши учун масъул этиб Самарқанд давлат университети қошидаги педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази белгиланди. Институтда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини узлуксиз ошириш ва қайта тайёрлаш ишини янада такомиллаштиришда интегратив ёндашув усулидан фойдаланиб самарали ютуқлар қўлга киритилди. Про-

Tajriba

ёш ҳамкасblари учун семинар дarsларини ташкил қилади. Танқидий фикрлаш асосида қизиқарли ўтаётгани боис бу дarsларга қатнашишни хоҳловчилар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг институт базасида ўз малакаларини интегратив алоқа асосида узлуксиз ошириш боришининг малака ошириш йўналишларидан

ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ

малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқувлари сифатини ошираётти

фессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари интеграциясида танқидий фикрлаш асосий модел бўлиб хизмат қилиши ўз самарасини берди.

Интегратив узвийликни амалга ошириш, яъни ўзаро муносабатларга таянадиган дунёқараши кенг, педагогик маҳоратли, билимдон, илғор педагогик ва ахборот технологияларини мукамал эгаллаган педагог кадрларнинг малакасини узлуксиз ошириш ва зарур ихтисосликлар бўйича қайта (касбий, педагогик йўналишларда) тайёрлаш иши замон талаблари даражасида йўлга қўйилди.

Илмий нуқтаи назардан олиб қаралганда интеграциянинг асосини борлиқнинг яхлитлиги ва уни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро алоқадорлиги, ўзаро муносабатлари ташкил этади. Фанлараро алоқадорлик ўз йўлига, аммо таълим ва тарбия беришда профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари алоқадорлигини тўғри йўлга қўйиш ўз-ўзидан вужудга келмаслиги аён. Демак, бу иш педагогика соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолардан биридир.

Малака ошириб қайтган педагогнинг ҳисоботи дастлаб кафедрада, сўнгра институт илмий-услубий кенгашида эшитилиб, муҳокама қилинади. Шунингдек, услубий кенгашида ўқитувчиларнинг узлуксиз таълимда эришилган янги ютуқлар, таълим жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларини қўллашнинг мукамаллашган усуллари, касбий тренинглари ташкил қилиш, дарс жараёнида педагогик-психологик вазиятлардан чиқа билиш ва педагогик маҳорат бўйича эгаллаган билимларидан амалда қандай фойдаланиш борасидаги фикрлари тингланади.

Ҳисоботи намунали деб топилган ўқитувчи нисбатан

бирига айлишни ўқитувчининг ўз ихтисослиги, лавозими, ўқитиш методикаси юзасидан билимини кенгайтириш, назарий, амалий, педагогик-психологик соҳада янги билимларни ўзлаштириш ва улардан амалда фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишига хизмат қилмоқда.

Сирасини айтганда, фақат ёш кадрларгина эмас, барча профессор-ўқитувчиларнинг ўз малакаларини институт базасида устоз-шогирд тизимида узлуксиз ошириб бориши кундалик эҳтиёжга айланган. Магистратура билиш иши замон талаблари даражасида йўлга қўйилди. Бу институтда таълим-тарбия сифатини ошириш, таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасида, педагогларнинг ўзаро мулоқотида ўз самарасини кўрсата бошлади.

Педагогик қайта тайёрлаш жараёнини муваффақиятли ўтаган, ихтисослиги техник йўналиш бўлган ўқитувчилар ўз фани мазмунига миллий истиқлол ғоясини сингдириб ўқитаётгани дарс таҳлиллари асосида маълум бўлди. Илғор педагогик технологияларни фан мазмунига қараб классификация қилишда ҳам турли фан ўқитувчиларининг интегратив ёндашувида малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқувларидан олинган билим, қўникма ва малака билан йўналтирувчи куч бўлиб хизмат қилаётгани ўз исботини топди.

Сафар РЎЗИБОВЕВ,
Жиззах политехника
институтини доценти,
Шоира РЎЗИБОВА,
шу институт магистранти

Qishloq Qurilish Bank

Ҳамюртларимизни, банк акциядорлари ва

мижозларини яқинлашиб келаётган *2015 йил* —

“Кексаларни эъзозлаш йили” билан самимий муҳораббад этамиз!



Ватан равнақи,
юрт тинчлиги, халқ
фаровонлиги йўлидаги
эзгу ишларингизда
ҳамиша омад ёр
бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этамиз:

“Қомус” — омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.

“Баракали мавсум” — омонатга маблағлар 2—6 ойга қабул қилинади.

“Файзли” — омонатга маблағлар 4—6 ойга қабул қилинади.

“Яхши ният” — омонатга маблағлар 12—24 ойга қабул қилинади.



Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.



“Талаба” — омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни оловчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

“Мадад” — маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.

“Хонадон” — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.

“Қурилишга бошланғич бадал” — муддати — 1 йил.



Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- > Солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- > Маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- > Эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- > Миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун
телефонлар:
(+99871) 150-76-53,
150-39-93
www.qqb.uz

“Қишлоқ қурилиш банк” — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

**UZTELECOM**

Янги йилингиЗ қутлуғ бўлсин!

2015 йил жонажон
Ўзбекистонимиз учун
иқтисодий-ижтимоий,
маданий-маърифий
соҳаларда ўзига хос
юксалиш йили бўлиб келсин!
Барча юртдошларимизни
Янги йил билан табриклар
эканмиз, хонадонларига
тинчлик-хотиржамлик,
файз-барака
тилаймиз.

Хизматлар
лицензияланган.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ТОЖИК
тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2015-2016 ўқув йилида
фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув кўлланмалар
РЎЙХАТИ**

T/p	Дарслик ва ўқув кўлланма номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъминланиш ҳолати
1-синф				
1	Алифбе (Алифбо)	Муаллифлар гуруҳи	2015	Бепул
2	Ёзув дафтари	Муаллифлар гуруҳи	2015	Бепул
3	Она тили (Забони модарӣ)	Т.Чориев	2015	Бепул
4	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	З.Тоҳирӣев ва б.	2015	Бепул
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2015	Бепул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2015	Бепул
7	Атрофимиздаги олам	Муаллифлар гуруҳи	2015	Бепул
8	Одобнома	О.Хасанбоева	2015	Бепул
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2015	Бепул
10	Муסיқа	Х.Нурматов ва б.	2015	Бепул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2015	Бепул
12	Инглиз тили "Kids' English-1"	М.Ирискулов ва б.	2015	Бепул
13	Немис тили "Deutsch macht spab-1"	М.Дадаходжаева ва б.	2015	Бепул
14	Француз тили "Hirondelle-1"	С.Раҳмонов ва б.	2015	Бепул
15	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2015	Бепул
2-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2014	Ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	Т.Чориев	2014	Ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ж.Эшонкулов	2014	Ижара
4	Русский язык	З.Абдураимова ва б.	2014	Ижара
5	Математика	Н.Абдурахмонова ва б.	2014	Ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Ғуломов ва б.	2014	Ижара
7	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2014	Ижара
8	Муסיқа	Х.Нурматов ва б.	2014	Ижара
9	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2014	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2014	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-2"	М.Ирискулов ва б.	2014	Бепул
12	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-2"	М.Ирискулов ва б.	2015	Бепул
13	Немис тили "Deutsch macht spab-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2014	Бепул
14	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft - 2"	М.Дадаходжаева ва б.	2015	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle-2"	С.Раҳмонов ва б.	2014	Бепул
16	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices - 2"	С.Раҳмонов ва б.	2015	Бепул
3-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2014	Ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	Т.Чориев	2014	Ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ю.Азимов	2014	Ижара
4	Русский язык	Н.Сергеева ва б.	2014	Ижара
5	Математика	С.Бурхонов ва б.	2014	Ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахромов	2014	Ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2014	Ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2014	Ижара
9	Муסיқа	Х.Нурматов ва б.	2014	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2014	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-3"	М.Ирискулов ва б.	2015	Бепул
12	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book - 3"	М.Ирискулов ва б.	2015	Бепул
13	Немис тили "Deutsch macht spab-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2015	Бепул
14	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft - 3"	М.Дадаходжаева ва б.	2015	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle-3"	С.Раҳмонов ва б.	2015	Бепул
16	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices - 3"	С.Раҳмонов ва б.	2015	Бепул
4-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2015	Ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	Муаллифлар гуруҳи	2015	Ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Муаллифлар гуруҳи	2015	Ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2015	Ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2015	Ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахромов	2015	Ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2015	Ижара
8	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2015	Ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2015	Ижара
10	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2015	Ижара
11	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2015	Ижара
5-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2015	Ижара
2	Тожик тили (Забони тоҷикӣ)	Т.Чориев	2015	Ижара
3	Адабиёт	Ю.Азимов ва б.	2015	Ижара
4	«Ғулистони адаб» (мажмуа), (5—6-синф)	А.Қамарзода	2007	Кутубхона фонди
5	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2015	Ижара
6	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2015	Бепул
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2015	Бепул
8	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2015	Бепул
9	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2015	Ижара
10	Математика	Б.Хайдаров	2015	Ижара
11	Информатика	Д.Қамолитдинова	2012	Ижара
12	Ботаника	Ҳ.Пратов ва б.	2015	Ижара
13	Табиий география бошланғич курси	П.Ғуломов ва б.	2015	Ижара
14	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
15	Муסיқа	А.Мансуров ва б.	2015	Ижара
15	Меҳнат таълими	Ш.Шарипов ва б.	2015	Ижара

16	Тасвирий санъат	Т.Қўзиёев ва б.	2015	Ижара
17	Жисмоний тарбия (5—6-синф)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2015	Кутубхона фонди
6-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Мухиддинова ва б.	2013	Ижара
2	Тожик тили (Забони тоҷикӣ)	М.Қабилов ва б.	2013	Ижара
3	Адабиёт	С.Саъдиев ва б.	2013	Ижара
4	Русский язык	Г.Ғасилова	2013	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2013	Бепул
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суҳанова ва б.	2013	Бепул
7	Француз тили	З.Абдушукuroва ва б.	2013	Бепул
8	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2013	Ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2013	Ижара
10	Физика	Н.Турдиев	2013	Ижара
11	Ботаника	Ҳ.Пратов ва б.	2013	Ижара
12	География	С.Соатов ва б.	2013	Ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	Ижара
15	Муסיқа	С.Бегматов ва б.	2008	Кутубхона фонди
16	Жисмоний тарбия (5—6-синф)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2015	Кутубхона фонди
7-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Мухиддинова ва б.	2013	Ижара
2	Тожик тили (Забони тоҷикӣ)	А.Вохидов ва б.	2013	Ижара
3	Адабиёт	З.Тоҳирӣев ва б.	2013	Ижара
4	Русский язык	С.Исламбекова ва б.	2013	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2013	Бепул
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суҳанова ва б.	2013	Бепул
7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2013	Бепул
8	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов	2013	Ижара
9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2013	Ижара
10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2013	Ижара
11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2013	Ижара
12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2013	Ижара
13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2013	Ижара
14	Зоология	О.Мавлонов	2013	Ижара
15	География	П.Ғуломов ва б.	2013	Ижара
16	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2015	Ижара
17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	Ижара
18	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2007	Кутубхона фонди
19	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2007	Кутубхона фонди
20	Жисмоний тарбия (7—8-синф)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	Кутубхона фонди
8-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Мухиддинова	2014	Ижара
2	Тожик тили (Забони тоҷикӣ)	Т.Чориев ва б.	2014	Ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	А.Қамарзода ва б.	2014	Ижара
4	Русский язык	М.Рожнова ва б.	2014	Ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суҳанова ва б.	2014	Бепул
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З.Абдушукuroва ва б.	2014	Бепул
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2014	Ижара
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2014	Ижара
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2014	Ижара
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2014	Ижара
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
13	Геометрия	А.Раҳимқориев	2014	Ижара
14	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2015	Ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2014	Ижара
17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2014	Ижара
18	География	П.Мусаев ва б.	2014	Ижара
19	Жисмоний тарбия (7—8-синф)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	Кутубхона фонди
20	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
21	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2014	Ижара
2	Тожик тили (Забони тоҷикӣ)	М.Қабилов ва б.	2014	Ижара
3	Адабиёт	Ж.Ҳамроев	2014	Ижара
4	Русский язык	Р.Усмонова ва б.	2014	Ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2014	Бепул
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2014	Бепул
8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2014	Ижара
9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2014	Ижара
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	2014	Ижара
11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2015	Ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2014	Ижара
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
14	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	2014	Ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2014	Ижара
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2014	Ижара
18	Жаҳон иқтисодий- ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2014	Ижара
19	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	Кутубхона фонди

2014-yil 27-dekabr, № 103 (8752)

ИЗИНГИЗДАН ИБРАТ ЁФИЛСИН

Ҳар бир қадами ортидан ибратлар ёғиладиган, қахрамон деса арзигулик аёлларимиз кам эмас. Уларнинг жамиятимиз равнақига катта улуш қўшаётгани бир ён-у, қутлуг ишлари ўнлаб эзгу амалларга йўл очаётгани бир ён. Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи Шоҳида Орипова ана шундай умри сабоқларга айланиб улгурганлардан бири.

Сабр ва саодат

Тошкент вилоятининг Бўка туманида туғилиб воғга етган Шоҳидахонни талабалик йиллари тақдир ўзидек илмга ташна, бу йўлда ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга шай сурхондарёлик Гофиржон билан учраштирди. Кўнгил кўнгил-у, манзиллар олис. Совчилар қатнайвериб ҳол-жонларига қўймагач, томонлар икки ёшнинг қадим Термизда ҳам эмас, Бўкада ҳам эмас, Тошкентда яшашларига келинча, тўйни бошлашди. Аммо исматнинг ёзиғи бошқача экан. Улар Шошнинг гўзал бағридан кўним топиб ҳам эдики, Гофиржон ҳарбий хизматга чақирилди. Табиийки, Шоҳида Термизга — қайнона-қайнотасининг панохига йўл олди. Қайнотаси Мамадиёр ака ҳам ўқитувчи бўлганиданми, келинни кўп ўтмай ишга жойлаб қўйди. Лекин Тошкент билан саксонинчи йиллардаги Термизнинг узоқ Саловат қишлоғидаги ҳаёт осмон билан ерчалик фарқ қиларди. Бир томондан бегона жой, удумлар, қарашлар, урф-одату шароитлар бошқача. Бу орада огир-ёқлик... Қийинчиликларни сабр билан енгишга мадад, қувват бериб турувчи куч эса унинг юрагига — касбини, оиласини жуда-жуда қадрлайди. Бирини деб, бирини йўқотиб қўйишдан кўрқади. Шу боис тунлари мижжа қокмай, кўрғазмали қуроллар тайёрлаш, китоб варақлаб ўз устида ишлаш заҳматларини чекса, кундузлари вақти бўлди дегунча қайнонаси Тўшоби яннинг ортидан эргашиб, ўчоқ бошига югуради: хамир қоради, сигир соғайди, қуви пишади. Ана шундай қўйди-пишдилиги билан қайн-укаларни қайинсигилларининг ҳам кўнглидан жой ололди. Сурхондарёча бўрсилдоқ нонлару қатқат патирларни пиширишда ҳеч кимдан қолишмади. Мактабга кириб бориши билан атрофига жамланадиган ўқувчиларининг самимий меҳру муҳаббатини, ҳамкасбларининг ҳурматини қозонди. Бу орада Гофиржон ҳарбий хизматдан қайтди-ю, илмий изланишларини давом эттириш ниятида Украинага жўнади. У номзодлики ёқлаб қайтганида эса Шоҳида Термизга эл бўлиб кетган, эри пойтахтга кетиш аҳдини такор-такор ёдига солса-да, меҳрибон, содда ва самимий ҳамкишлоқлари, қароқлари қачнаб турган ўқувчиларини сира-сира кўзи қиймади. Ҳа, у ана шу оддий инсонларни орозу-ҳавасларидан зиёда, азиз билганди. Кун келиб эса, улар Шоҳидани юрда муҳтарам инсонлар сафига

кўтаришди. Бугун Шоҳида Орипова ва Гофиржон Аллаевнинг беш фарзанди, шириндан-ширин набиралари бор. Ўғил-қизлари, келин-куёвларининг ҳаммаси ўқимишли, меҳнаткаш.

Меҳнат ва маҳорат

Мустақиллик! Бу каломни Шоҳида шунчаки тилга ололмайдди. Чунки ҳаётидаги туб бурилишлар, қалбида олам-олам ниятларнинг ниш уриши, тилақларининг ижобати, Ўзбек Аёли, ўқитувчи сифатида дадил қадамлар ташлашга азму шижоат қила олиши... барча-барчаси бевосита мамлакатимизнинг истиқлолни кўлга киритиши билан боғлиқ.

— Инсон меҳнат қилавериши, юксак орзуларни дилига туғиши мумкин, лекин унинг фидойилиги тан олиниб, қўлаб-қувватланмаса, имкониятлари чегараланиб, турли тўсиқлар билан юзлашаверса, ҳар қандай ташаббуснинг ҳам қаноати қирқилади, — дейди Шоҳида Орипова. — Мустақиллиқни кўлга киритганимизнинг ilk кунларидан Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан таълим тизимига катта эътибор берилга бошлагани мен шахсан нафақат биламан, балки шу жаҳоннинг бир вакили сифатида гувоҳман. Кечагидек ёдимда, 1989 йил эди. Газетада «Мактаб ислоҳоти лойиҳаси» эълон қилинди ва шу ҳужжатнинг бир бандида янги типдаги мактаблар хусусида фикр юритилган эди. Ўқиб суюниб кетдим. Чунки республикамизнинг энг олис ҳудудларидан бири бўлган Сурхондарёда ҳам ўзимиз таълим олган Тошкентдаги С.Сирожиiddинов номидаги ихтисослаштирилган мактабдек таълим муассасаси ташкил этиш хусусида кўп ўйлар, бу ҳақда турмуш ўртоғим билан бот-бот мулоҳаза юритар эдик. Лекин фақат мустақиллиқнинг дилимиздаги бу тилақнинг амалга ошишига йўл очди.

Шоҳида Орипованинг тақлифини Термиз давлат педагогика институтининг (ҳозирги университет)нинг ўша пайтдаги ректори Назар Тўраев илик қарши олди.

— Мактаб-интернатни ilk бора 48 ўқувчи тутатган бўлса, улardan 46 нафари республикамиздаги нufuzли олиё дargohlarning талабаси бўлди, — дея хотирлайди Шоҳида опа.

Мактаб-интернатнинг республика миқёсида тан олиниб, танилиши ўз-ўзидан бўлган

эмас. Муассасани бу поғонага кўтариш учун фақат фидойилик кўрсатишгина талаб этилмади, балки тажрибаларини жамоадoshларига ўргатиш, уларнинг қалбида ҳам жонбозлик, жонкуярлик хисларини уйғотишдек маҳорат керак бўлди ҳар қадамда. У 1994 йили олиё тоифали ўқитувчи даражасига кўтарилган бўлса, кўп ўтмай сафдошларининг саккиз нафари мазкур тоифа талабларига жавоб бера оладиган мутахассисга айланди. Шоҳида Орипова 2006 йили «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичи голиби бўлган бўлса, бугунгача ўнлаб ҳамкасблари ушбу танловнинг турли босқичларида муваффа-

лан хайрлашиб улгурмаган эмасми, муаллимлари қанча тайинламасин, дарсларда шўхликлардан тийилишлари қийин. Танаффус бўлди дегунча югурганлари югурган. Ўқитувчилар «Мактаб бoғчага айланиб кетди...» деган маънода нoлигани нoлиган... Шоҳида бу муаммони ҳал этиш учун ҳам яна китобларни варақлади, мутахассислар кўмағига таянди.

— Тиё илмининг султони Абу Али ибн Сино умр бўйи яратган асарларига, эзгу ишларига 17-18 ёшларигача олган билими асос бўлиб хизмат қилганини ёзган экан, — дейди у, «Ҳар қандай вазиятдан оқиллик билан чиқиб кетиш мумкин», дегандек ўйга толганча. — Демак, болаларни ихтисослаштирилган мактабларга имкон қадар ёшларидан жалб этиш ҳам узoқни кўзлаб амалга оширилади. Шифокорлар 5-синфда ўқитган болаларнинг биз кузатган ҳатти-ҳаракатлари саломатлик учун ниҳоятда муҳимлигини, уларнинг катталар талабига эмас, биз катталарнинг уларнинг «қайнаб қолган»ликларига мослашиб, кўникишимиз жоизлигини таъкидлашди. Бу далиллар мазмун-моҳиятини обдон қаққан, яна жамоага юзландим: тиббиёт ходимлари, психологлар билан давра суҳбатлари уюштирдим...

Шу йўсин директорнинг ташкилотчилиги, маҳорати ортидан жамоада яратилган соғлом ижодий муҳит мактаб ҳаёти зарварақларини қувончли далиллар билан беъзади.

Мактаб-интернат 2008 йили Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида капитал реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этди.

2009 йили билим даргоҳи «Йилнинг энг яхши ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси» кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринни эгаллади.

2013 йили муассаса «Йилнинг энг обод таълим муассасаси» республика кўрик-танловида 1-ўринни кўлга қиритди.

2014 йили 5 нафар ўқитувчи «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида муваффақиятли қатнашиб, бир нафари республика босқичида иштирок этди. Шу йили билимлар беллашувининг республика босқичида бир нафар ўқувчи 1-ўринни эгаллади.

Ошни ҳам кимдир дамлаши керак...

Мазкур ИДУМга ҳар йили 60 ўқувчи қабул қилиниши режалаштирилган бўлса, масалан, ўтган йили даъвогарлар сони 600 нафардан ошиб кетди. Бу эса шу даргоҳ таълимини олишни ният қилган-у, орзуси ушалмаган ўнлаб ўғил-қизларнинг руҳиятига салбий таъсир қилиши табиий. Шоҳида опа ҳар янги ўқув йили

арафасида ана шундай вазиятга дуч келар экан, охири муаммонинг ечимини топгандек бўлди. Жамоатчилик асосида фаолият юритувчи сиртки мактаб ташкил этилиб, тажрибали ўқитувчилар ҳамда Термиз давлат университетининг магистрантлари ва бакалавр битирувчилари жалб қилинди. Бунда компьютер технологиялари имкониятларидан фойдаланилиб, барча фанлар кесимида ўқувчиларга саволлар, мисол ва масалалар жўнатилди ва қайтарилган жавоблар текширилиб, хато ва камчиликлари атрофлича изоҳлаб борилди.

Шоҳида Орипова ўқитувчилик, раҳбарлик, жамоат ишлари билан чегараланиб қолмай, турмуш ўртоғи, Термиз давлат университети доценти, физика-математика фанлари номзоди Гофир Аллаев ва устози физика-математика фанлари номзоди Мирфозил Мирзаахмедовнинг бевосита кўмағида қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларига ҳаммуаллифлик қилди.

— Физика-математикани ўрганиш катта ақлий меҳнат, сабр-тоқатни талаб этади. Ушбу фанларни синчиклаб ўрганаётган ўқувчи мусика, адабиёт, шеърят билан ошно бўлса, асабий зўриқишлардан холи бўлади. Ана шуларни ҳисобга олиб, биз мактабда қизлар учун миллий рақс дастаси, ўғил болалар учун эса хор гуруҳини ташкил этганимиз, — дейди муаллима.

Шоҳида опанинг директор сифатида бошқаларга ўхшамас яна бир хислати бор: кимлардир ишга кириш учун раҳбардан илтимос қилса, у эса касбининг фидойиси бўлган мутахассисларни излаб боради. Мактабда бюджетдан ташқари қўшимча маблағ топиш бора-сида ҳам унинг тadbirkorлиги қўл келди: соҳа мутахассислари билан кенгашиб, иссиқлик мосламалари талаб қилмайдиган, ердан қовлаб ҳозирланадиган иссиқхона барпо эттирди. У ерда етиштирилаётган лимон ҳам муассаса ҳаёти билан боғлиқ унчамунча харажатларни қоплайди...

— Менга яқинда соҳамизнинг пасту баландини биладиган кишилардан бири «Шоҳидахон, ўзингиз раҳбарлик қилаётган мактабни академик лицейга айлантириш хусусида ўйлаб кўрсангиз. Албатта, бунга эришасиз ҳам. Қачонгача ошни сиз дамлаб берасиз-у, бошқалар сузади...» деб қолди, — дея жилмайиб қўйди хайрлашиб асосида Шоҳида Орипова. — Ахир, «Ошни ҳам кимдир дамлаши керак-да. Меҳнатнинг ҳам, ибратнинг ҳам калити шунда», дедим. Биласизми, менга нима куч беради: директор сифатида иш бошлаганимда «Мактаб энди эгасининг қўлига тушибди» деган гапни эшитгандим. Бундай ишонч кўнглимни тоғдек кўтарди, янада фидойилик билан меҳнат қилишга ундайверади.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Umr — saboq



қиятли иштирок этиб келмоқда. 2007 йили Шоҳида Орипова ўқувчиси «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» деган юксак унвон беъзади. У шу йили мактаб-интернат раҳбари этиб тайинланди.

Масъулият ва мукофот

Шоҳида энди иш бошлаган ҳам эдики, 2008 йил январидан ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар учун махсус курсатма асосида бадал тўловлари жорий этилди. Бу эса шу типдаги муассасаларда синфларнинг қисқара бошлашига сабаб бўлди. Аслида, янгиликларни кўпчиликка тушунтиришдек нозик паллаларда раҳбарнинг тарғиботчилик, нотиклик хислатлари, ўзгаларни ортидан эргаштиришга нечоғлиқ қодирлиги намойён бўлади. Шундай бўлди ҳам: Шоҳида кези келганда умумий йиғинларда, кези келганда яқма-яққа ота-оналар, жамоадoshлар билан дилдан суҳбатлашди. Шу тарика мактабда ўқиб-ўрганиш ва ўргатиш борасида ижодий рақобат муҳити юзага келди. Натижада синфлар сони камайиш ўрнига аста-секин кўпайиб борди.

Шу орада ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчиларни 8-синфдан эмас, 5-синфдан қабул қилиш ҳақида қарор чиқарилди. Бу ёшдаги ўқувчилар ҳали болалик олами би-

Фараз қилинг, 1814 йили Тошкентдан Самарқандга поездда бормоқчисиз. Қанча вақтда етиб борасиз? Бунинг учун 43 соатдан кўпроқ вақт сарфлайсиз! Ишонинг қийин дейсизми? Ишонаверинг, чунки ўша пайтда ишлаб чиқарилган биринчи поезд соатиға 6—8 км тезликда ҳаракатланган. Яқин ўтмишда ҳам 400—500 км масофаға 10 соатдан кўпроқ вақтда борилар эди. Энди-чи...

Самарқандга йўл олдик. Тошкент вокзалида турар эканмиз, танишим айтган ташбеҳ ёдимға тушди: Самарқанд «Афросиёб»дан бошланади. Йўловчилар орасида турли миллат вакиллари бор. Кимдир «Афросиёб»ни сурагга олаётти, яна кимдир ҳамроҳиға ўз тилида поездни кўрсатиб нимагадир демоқда. Хайронлиги юз-кўзидан билиниб турарди. Шериғи ҳам унинг гапларини маъқуллаб, кўзини вагонлардан узмасди. Уларнинг ёнидан ўтиб, вагонга чиқдим.

Ичкарига киришим билан хайратим янада ортди. Вагон жуда озода ва шинам эди. Чиптада кўрсатилган ўриндиққа чўқдим. Ҳамроҳим «Афросиёб»дек поезд Марказий Осиё минтақасида факатгина бизнинг мамлакатимизда бор экан-а», деди фахрланиб. «Албатта, бунақа поезд дунёнинг атиғи еттита давлатида бор», дедим. Шеригим билан йўл-йўлакай поездларнинг тарихи, турлари, тезюрар поезднинг қулайликлари ҳақида гаплашиб кетдик.

Ёдингизда бўлса, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Испаниянинг «Patentes Talgo S.L.» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган «Талго-250» русумидаги биринчи «Афросиёб» тезюрар поезди пойтахтимизга келтирилган. Бу Тошкент ва Самарқанд ўртасида йўловчи поездларнинг юқори тезликдаги ҳаракатини ташкил қилиш лойиҳаси доирасида амалга оширилган. 2011 йилнинг июль ойида келтирилган поезд 8 августда Тошкентдан Самарқандга илк бора «парвоз» қилди.

Шундоққина тепамизда осилиқ монитор — таблога қарайман: поезд йўлининг харитаси, об-ҳаво ва қандай тезликда кетаётганини кўрсатиб турибди. Ойнадан ташқарига боқсам, тез ҳаракатланаётган енгил автоуловлар ҳам биздан ортда қолиб кетаяпти. Хайратланиб яна таблога қарайман — 202 км/соат.

«Бу ҳали ҳеч нарса эмас, «Афросиёб» соатиға 250 км тезликкача ҳаракатланиши мумкин», дейман ҳамроҳимга қараб.

Қўл телефонимдан интернетга кириб, қидирув сайтларидан тезюрар поездлар ҳақида маълумот излай бошладим.

Ҳозирги кунда Хитой, Япония ҳамда Европанинг қатор давлатларида 300 километр масофани бор-йўғи бир соатда босиб ўтадиган поездлар оддий транспорт турига айланиб бормоқда.

Тезюрар поезд деб, темир йўлларда ўртача тезликдан юқорироқ ҳаракат қиладиган поездларга айтилади. Тахлилчилар соатиға 140 километр тезликда ҳаракатланувчи поездларни тезюрар, 200 километрдан юқори тезликда юрадиган поездларни эса юқори тезликдаги поездлар қаторига киритишади. Замоनावий юқори тез-

ликдаги поездлар эса соатиға 350—400 километр тезликда ҳаракат қилади.

Илк бор юқори тезликдаги поездлар қатнови 1964 йили Японияда йўлга қўйилган. 1981 йилдан бошлаб Францияда ҳам ана шундай темир йўл транспортлари

ҳам улгурмайман. Олдимдан дов-дарахлар, бинолар лип-лип этиб ўтиб кетаве-ради. Баъзиларини базўр кўришга улгурман, айримларини эса илғай олмайман. Айниқса, Янгйер — Даштобод йўлига келганда тезлик янада ортди. Нигоҳимни

таниялик олимлар мазкур жажжи поездчаларни 1604 йилнинг октябрида ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Аравачалар ўша пайтда одам кўтара олмаган юкларни шахтадан то белгиланган манзилгача элтишда ишлатилган. Транспортни ҳаракат-

Bilasizmi?

1825 йил 19 сентябрь кунни Дарлингтон ва Стоктон оралиғида биринчи поезд қатнови йўлга қўйилади. Поезд ҳаракатланувчи паровоз, юк орттилган 12та, йўловчи ташувчи 22та вагондан иборат эди. Юк ва йўловчи ташувчи вагонлар билан қўшиб ҳисоблаганда, поезднинг умумий оғирлиғи 90 тонна, тезлиги эса 10—24 км/соатни ташкил этган. 1830 йили Англияда Ливерпуль — Манчестер йўналиши қатнови очилиши билан хат ташиш вагонини ҳам шатакка олган илк йўловчи поезди қатнай бошлади.

Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича 40 фоиз юк поездлар орқали ташилади ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Тезюрар поездлар айтилиш вақтда экологик жиҳатдан зарарсиз ва тежамкор транспорт воситаси сифатида эътироф этилмоқда.

Юртимизда темир йўл транспорт тизими йилдан йилга ривожланиб, бугун турли йўналишлар бўйлаб қатнаётган поездлар мамлакатимиз аҳолисининг оғирини енгиллатишга хизмат қилмоқда. Асрий тоғу тошлар, дашту биёбонлар бағрида 223 километрлик Тошгузар — Бойсуён — Қумқўрган темир йўлининг барпо этилиши ва поездлар қатнови йўлга қўйилгани ёки 2016 йилдан Тошкент—Ангрен—Поп йўналишининг ишга туширилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар бу тизимнинг мамлакатимиз иқтисодиётида нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди.



Тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилган давлатлар орасида «Афросиёб», «Насаф» ва «Шарк» каби тезюрар поездлардан фойдаланган бўлишга ўзбекистоннинг ҳам борлиғи қалбимизда фахр ва ифтихор туйғусини жўш урдиради.

Илгари бир шаҳардан иккинчи шаҳарга бориш учун ота-боболаримиз 3 кунлаб юришган. Бугун эса бор-йўғи 2-3 соатда қўзғалган манзилга етиб бормоқдамиз. Ким билади дейсиз, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай тараққиёт шиддати бу соатларни дақиқалар қадар қисқарти-
ради.

Жўрабек ЖАНГИРОВ

ТЕЗЮРАР ПОЕЗДЛАР

тараққиёт шиддати, иқтисодиёт қудратини намоён этади



қатнай бошлаган. Кейинчалик бу жараён Фарбий Европадаги кўплаб мамлакатларда амалга оширилди.

XXI аср бошларида Хитой юқори тезликдаги поезд йўлларининг узунлиги ва қатнови бўйича биринчиликка эришди. 2012 йилги маълумотларга кўра, Хитойдаги темир йўлларнинг узунлиги 9 минг 300 километрни ташкил қилади. Шундан 1995 километрида поездлар 350 км/соат тезликда ҳаракатланади.

Париж—Брюссель—Кёльн—Амстердам йўналиши бўйича қатновчи поездларнинг тезлиги соатиға 300 километрни ташкил қилиб, йўловчилар Париждан Брюсселга 80 дақиқада етиб олишлари мумкин. Япониянинг «E5 Shinkansen» тезюрар поезди соатиға 330 километр тезликда Токиодан Син-Аоморига бўлган масофани уч соатда босиб ўтади. Пекин—Цяньцзинь йўналишидаги поездларнинг тезлиги соатиға 360 километр бўлиб, йўловчилар ўз манзилларига 30 дақиқада етиб олишади.

Яқинда 581 км/соат тезликда ҳаракатланганидан поезд Японияда синовдан ўтказилди.

Поезддан ташқарини кузатиб кетар эканман, манзараларни дурустроқ кўриш-

таблога қадайман — 250 км/соат!

Ҳамроҳим хаёлимни бўлиб сўз қотади: Бир маълумот ўқигандим, биринчи поезд яратилганда кўпчилик уни баҳайбат махлуқ бўлса керак, деб ўйлаган экан.

Унинг сўзларига жавобан: Бугун шу одамларнинг авлодлари дунёдаги энг тезюрар поездларни кашф этиб, бошқармоқда. «Афросиёб»ни ҳам ўзимизнинг ёш мутахассислар бошқариб бораётганига нима дейсиз?— дедим.

Телефоним орқали поездлар тарихига оид кўпроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида тагин интернетга мўралайман.

Олис-олис манзилларга оғир юкларни ўз вақтида етказиб бориш зарурати, баъзан эса об-ҳавонинг инжиқликлари сабаб инсонлар чидамли ва тезкор транспорт воситасига эҳтиёж сезган. Гарчи юк кемалари савдогарларнинг жониға ора қираётган бўлса-да, куруқлик орқали ҳаракатланиш муаммага айлانган эди.

Узоқни яқин қилувчи поездлар тарихи темир йўл рельслари ва локомотивларнинг такомиллаштирилиши билан узвий боғлиқ. Илк темир йўл аравачалари жуда содда кўринишда бўлган. Европаликлар, аниқроғи, бри-


га келтирувчи куч сифатида от, баъзи ҳолларда эса инсон меҳнатидан ҳам фойдаланилган. Темир гилдираклар ўрнатилган, юк ташувчи аравачаларнинг самараси янада ортган.

1804 йили инглиз ихтирочиси Ричард Трейтивк биринчи паровозни оммага намоён қилди. У цилиндр шаклидаги буғ қозон ўрнатилган вагон ҳамда юк ва йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган қўшимча вагондан иборат эди. Бироқ мазкур транспорт кон эгаларида унчалик қизиқиш уйғотмади. Кўпчилик рельсларни тайёрлаш сарф-харажатлари, паровознинг барча қисмлари қўлда ишланганлиги, ускуналар ва маалакали ходимлар етишмаслигидан нолирди. Бу камчиликларни бартараф этишга бел боғлаган Трейтивк 1811 йили юк ташувчи поезд яратиш гоёсини илгари сурди. Шундан сўнг унинг гоё ва лойиҳаларидан фойдаланган европалик олимлар паровозларнинг янгида-янги турларини яратиб бошлади. 1814 йилга келиб катта мулк ва шахта эгалари «Блюхер», «Билли», «Киллингворт» каби паровозлардан амалда фойдалана бошлади. Трейтивкнинг гоёлари асосида яратилган биринчи поездлар 30—40 тонна юкни манзилга элтиб қўйиш, соатиға 6—8 км тезлик билан ҳаракатланиш имконига эга бўлган.

2014-yil 27-dekabr, № 103 (8752)

**8 МИНГ МЕТР ЧУҚУРЛИҚДА
ЯШОВЧИ БАЛИҚ**

Америкалик олимлар шу пайтгача фанга номаълум бўлган, сув сатҳидан 8 километр чуқурликда яшайдиган ноёб балиқ турини аниқлашди. Ушбу жонивор илм-фан оламида уммоннинг энг чуқур қисмида яшовчи балиқ сифатида тан олинди, деб ёзилади "Los Angeles Times" нашрида.



Экспедиция аъзолари ҳозирча бирор ном билан аталмаган ушбу балиқ турини Мариана ботигининг 8 минг метр чуқурликдаги қисмида аниқлашган.

Бу балиқни илк бор кўрганимизда жуда ҳайратландик. Кемадагилардан бири балиқнинг ташқи кўриниши кучукча ва илонбалиққа ўхшаб кетишини айтди, — дейди биолог, профессор Пол Йенси.

Олимлар балиқни тўсатдан кашф қилишди, сувости аппарати денгиз ўтлари ва чўкинди жинсларни суратга тушираётган вақтда балиқ камера объективи тасвирига тушиб қолган. Эътиборлиси, узунлиги тахминан 25 см келадиган балиқнинг ранги жуда тиниқ ва шаффоф бўлиб, суяклари кўриниб туради.

**ЧЕКИШ ҲАМ ХРОМОСОМАЛАРНИ
ШИКАСТЛАЙДИ**

Швециянинг Уппсала университети олимлари чекишнинг эркаклар саломатлигига бир қанча салбий таъсири борлигини аниқлашди. Тамаки эркак ДНКсидаги Y хромосомаларнинг йўқолишига олиб келар экан. Бу эса, ўз навбатида, инсон умрини қисқартириб, саратон касаллигини келтириб чиқаришга сабаб бўлиши мумкин.



Тадқиқотчилар чекишнинг Y хромосомаларга салбий таъсир этувчи омилларини аниқлаш мақсадида олти минг нафар кўнгиллининг қон ҳужайраларидаги ДНКларни таққослаб кўришди. Аниқланишича, ДНКда ўзгаришларнинг бор-йўқлиги эркаклар ёши ва чекишига боғлиқ бўлиб, кашандаларда Y хромосомаларнинг йўқолиш эҳтимоли бошқаларга қараганда 3,4 баравар кўпроқ. Аввалроқ худди шу гуруҳдаги олимлар эркакларда Y хромосомаларнинг йўқолиши хавфли ўсма касалликлари билан боғлиқ равишда умрнинг қисқаришига олиб келишини исботлашган эди.

Тамаки маҳсулотлари инсон организмда турли касалликларни келтириб чиқариши барчага маълум. Шу боис чекишнинг хасталиклар ривожланишига таъсирини тўлақонли ўрганиш учун қўшимча изланишлар олиб борилиши талаб этилмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбарияти ва жамоаси Самарқанд енгил саноат ва иқтисодий касб-хунар коллежи директори
Татьяна ТОШЕВАНнинг
вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

**СМАРТФОНЛАР МИЯ
ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТАДИ**

Швейцариялик олимлар смартфонлар инсон миясининг сезги қатламига таъсир ўтказишини аниқлашди. Бу борадаги батафсил маълумот «Current Biology» журналида эълон қилинди.

Цюрих университети олими, нейробиолог Арко Гхошнинг айтишича, мазкур қурилмаларда бармоқлар билан ҳарф териш натижасида бош миёя соматосезувчан қобиғининг жадаллашуви юзага келади.



Олимлар тадқиқот даврида смартфондан фойдаланувчи 26 нафар ҳамда эски русумдаги телефон ишлатувчи 11 нафар кўнгиллини 10 кун давомида кузатишди. Уларнинг бармоқлари ҳаракати электроэнцефалограммага ёзиб борилди. Яқунда смартфон фойдаланувчиларининг миёя қобиғи фаоллиги юқори даражани кўрсатгани маълум бўлди. Демак, сезувчан экранга бармоқларнинг тезкор ва давомий таъсир этиши ҳам миёя самарадорлигини оширади.

Мазкур ўзгаришлар билан боғлиқ илмий натижалар олимлар учун яқиний хулоса эмас. Аммо бундай қурилмалардан меъёридан ортиқ фойдаланиш саломатлик учун зарар экани маълум. Шунингдек, нейробиологлар ўтказган бошқа тадқиқотларда смартфонлардан тинимсиз фойдаланиш инсонда тushkunlik ва миёяда ог'риқ пайдо бўлишига олиб келиши аниқланган.

**ФАНГА НОМАЪЛУМ МАВЖУДОТЛАР
АНИҚЛАНДИ**

Калифорния илмий академияси олимлари 2014 йили фанга маълум бўлмаган 221 турдаги тирик мавжудотларни кашф этди. Улар 110 турдаги чумоли, 28 турдаги балиқ, 25 турдаги ўсимлик, шунингдек, бир донна митти сўтэмизувчидир.

Айниқса, сакраб юрувчи янги мавжудот олимлар диққатини тортган. У Намибияда аниқланган. Африка сўтэмизувчилар оиласига мансуб ушбу жониворнинг узунлиги атиги 10 сантиметрни ташкил этади. Олимларнинг тахминича, у келиб чиқишига кўра, фил ёки сўтэмизувчи сув ҳайвони — сирена ҳамда сўйлоқ-тишларнинг узок «қариндош»и бўлиши мумкин.



Профессор Мег Лоуманнинг қайд этишича, айна пайтда мавжуд ҳайвонот ва наботот оламининг 10 фоизигина инсониятга маълум, ҳолос. Ўз томоқасида деҳқончилик қилаётган одам ҳам ҳали кашф этилмаган мавжудотга дуч келиб қолиши мумкин. Калифорния академияси илмий ходимлари Ер сайёрасининг тадқиқ этилмаган ҳудудларини ўрганиб, фанга номаълум тирик организмларни кашф этиб бормоқда.

Одина ҚУЛМУРОВА, Зиёда ОРТИКОВА тайёрлади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 173-умумтаълим мактаби жамоаси фахрий она тили ўқитувчиси

Ёқутжон УМАРОВАнинг
вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети қуйидаги бўш ва танлов муддати тугаган кафедра мудири, профессор-ўқитувчи лавозимларига шартнома асосида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

“Шарқ тиллари” кафедраси бўйича:

доцент — 1та
катта ўқитувчи — 4та

“Исломшунослик” кафедраси бўйича:

кафедра мудири — 1та
катта ўқитувчи — 1та
ўқитувчи — 1та

“Тарих” кафедраси бўйича:

катта ўқитувчи — 1та

“Психология ва фалсафий фанлар” кафедраси бўйича:

кафедра мудири — 1та
ўқитувчи — 2та

“Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси бўйича:

доцент — 1та

“Табиий фанлар” кафедраси бўйича:

кафедра мудири — 1та
катта ўқитувчи — 1та

“Ғарб тиллари” кафедраси бўйича:

кафедра мудири — 1та

катта ўқитувчи — 1та

ўқитувчи — 3та

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ” кафедраси бўйича:

кафедра мудири — 1та
доцент — 2та

“Халқаро иқтисодий муносабатлар” кафедраси бўйича:

профессор — 1та
катта ўқитувчи — 1та

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
- олий маълумоти, илмий даража ва унвони ҳақидаги дипломлар;
- малака оширгани ҳақидаги гувоҳнома нусхалари;
- илмий ишлари рўйхати;
- танловдан ўтаётган шахснинг фаолияти ҳақида ҳисобот;
- профессор-ўқитувчилар дарсини ўрганиш сифат комиссиясининг хулосалари;
- кафедранинг профессор-ўқитувчи фаолияти, очиқ дарслари таҳлили муҳокамасига бағишланган мажлиси қарори.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй. Телефонлар: (0-371) 244-94-66, 244-00-91.

Киш кечалари узун, совуқ. Киши бекорчиликдан зерикиб бирор овуночқ, эрмак излайди. Шундай кунларнинг бирида биз ҳам масайраб, уйда ўтираверишдан безиб, гаштак ташвишига тушиб қолдик. Бу — ёғи Янги йил. Устига устак, тенгқурларимизнинг гаштаклари ҳақида эшитиб, яна пайтавага курт тушади.

Ориф дўстим телефон қилди:

— Кимникида ўтираминиз, жўра?

— Билмадим...

— Сизникида! Қушқўндни қачон еймиз?

— Сабр қилин!..

— Бўлди-да энди! Қачон-гача юрасиз?..

— Рози бўлгунча...

— Ҳа, тушунарли... Хуллас, Файратникида йиғилмоқчимиз, қирнинг устида: бутун қишлоқ кўринади, ҳангома эрталабгача...

— Файрат кўчиб чиқдимиз? — деб сўрадим ундан.

— Ҳа, аллақачон кўчиб чиққан! Йиғим-терим бошланганда шу ерда эди. Биласиз-ку, у жуда ўзига пухта, пишқик. Шунинг учун айтаман-да, савбатни Файратникида қилайлик деб...

Шу пайт негадир қайсарлигим тутди.

— Тўхтанг, — дедим унга.

— У ўзи яқинда кўчиб чиққан, янги рўзгор, ками кўп бўлади. Ҳали ўзини тутиб олгунча талай вақт ўтади. Савбатни сизларникида қиламиз. Файратнинг қўшниси ўзингиз, баланддан тоғ — дала бари кўринади.

У мийиғида қулди:

— Жўра, ўз ёнига ўзи қоврилган одам мен!

— Роса камтар одамсиз-да! Шу бизникида қилайлик деб айттолмай ўтирган экансиз-да. Майли, барибир билдик.

— Гапнига боппайсиз. Майли, келаверингизлар...

Хуллас, савбат масаласини бир амаллаб унга юклдим. Кейин жўраларнинг рақамини топиб, бирма-бир кўнги-роқ қила бошладим. Баҳонада янгиликлардан хабар топиш имкони туғилди.

...Кечга яқин устимга чопон, бошимга бостирма йилди, секин кўчага отландим. Онам чойхонаси тирқишдан гапирди:

— Болам, эртароқ қайтинг!

— Хўп, кўп ўтирмаман!..

— Итқуш Сапарбойнинг қўйига тегинганимми.

— Кулиб қўйдим.

— Бўри кўрсам, ишим ўнгилдан келади.

— Ҳа, бўри кўрган иши ўнгиланиб кетаверса, яхши-да.

— Хўп...

Аёз бутун баданни чимчилайди. Бурунни яширсангиз, қулоқдан олади, қулоқни бекитсангиз бурунга совуқ тегади. Бизнинг Туркистон тоғ тизмаси этакларида киш жуда совуқ келади. Лекин одамлар шунга мослашган. Киш ғамини ёзда еб, ўтин-қўмирни йиғиб ташлайди. Кечагина анави ерда да-

рахт бор эди. Ҳозир тўнкасини ҳам қовлаб олиб болта солишибди. Туюв кунни дала-ларда маккажўхори, беда ўсиб ётарди. Энди эса оппоқ қор қоплаган: умр бунча тез ўтмаса?! Тарновлардаги қозикдек сумалаклар юмшанган ерга санчилади. Кимдир олмахонасининг устида қўшиқ хиргойи қилганча қор курайди, биров ҳовузга қўй-қўзиларини ҳайдаб келаётир. Мен онда-сонда қишлоққа келаман-у, лекин ҳар келганимда фасллар умримни жуда тез, жуда тез тортқилаётгандек... Режалаштирган ишларим эса кун сайин охири кўринмай кечикаётгандек.

— Йўл бўлсин, қош қорайганда? — деди Бўрибой ака нимагадир шаъма қилгандек. — Кейин кўчагайм чиқолмай қоласиз...

— Нима, кеч бўлганда фақат сиз кўчага чиқасизми? Бизнинг ҳам ҳаққимиз бор. У қаҳ-қаҳа отиб қулди-да, ҳазилимга жавоб қайтарди:

— Бўриларнинг нияти ҳаммага маълум. Сизники-чи? Лекин яхши бўри ўзининг овулидан ов қилмайди.

— Ўзининг овулини қўриқламайди ҳам?..

Қарасам, Бўрибой аканинг гапи чўзилиб, тугай демайди. Гапни чўзиб ўтирмадим.

— Ака, бўри қаригандаям бўри, тишлаган жойини узайди.

— Ҳа, ўзингга келдинг, мен билан ҳазиллашаман, дейсан.

Мағлубиятни қулиб қаршилаб, яна илгариларим.

Киш ўчоғи тор, тур уйинг-га бор! Бу мақолни ким ўйлаб топган экан?! Отасига раҳмат! Халқ топган, дейсизми? Халқнинг отасига ҳам раҳмат. Лекин қишда келган меҳмоннинг сийи бўлакча. Иссиқ чой, иссиқ ўй, иссиқ ош...

Хуллас, меҳмон ҳам бутун бир маълумотлар манбаи. Ижтимоий тармоқ дейди-ку, менимча, илк маротаба бизда пайдо бўлган. Қачон, дейсизми. Миш-миш тўплаган хотинлар урчуқ йиғириш баҳонасида қийбат бошлаган ўша... даврларда. Урчуқ қачон кашф этилган, дейсизми? Ҳа, ўзингиз топингиз-а, албатта, ўша ғийбат, ўш-ша урчуқ йиғириш, ип олиш ва миш-миш тўплагандин олдинда! Кўрдингизми, момоларимиз ҳали интернет ҳақида тасаввур пайдо бўлмасдан туриб, ижтимоий тармоқларнинг кучини пайқашган. Энди, нима эмиш, фалончининг қизи фејбукда, фалон йигит билан танишиб, турмуш қуришибди. Бахтли бўлсин, лекин ўша хотинлар ҳам ўша миш-мишлардан ту-

риб, Қадам учирчикнинг қизини Испандийер дамасчининг ўғлига тўй қилиб юборди-ку. Тўғри тақдир, лекин сабабчи — ўша янгалар.

Қаранг, ҳаёлга келаётган фикрлар — фақат бахт ҳақида! Гўзаллик қидирган бир йигитнинг орзулари ҳам, эҳтимол, ўша сабаблар ортидадир. Энам раҳматли бир гапни кўп такрорларди: "Йигит кишининг бахти кийик шохиди". Ҳов анави, баланд тоғларда пок назар, пок ният, риёдан, ёмон кўздан қочадиган оҳунинг шохиди-да! Шохини суйган бандасига ўнгласа, бас, мақсадни ўнгидан қўчармиш. Болалигимда бир сигиримиз йўқолиб, Сувлисойга қидириб борганимда оҳуни кўрганман! Унинг кўзлари шундай чиройлики, қараганда сеҳрига дош беролмайсиз. Қаттиқ ти-

У болаларни дастурхонга ундаркан, фикрланди:

— Илгари бир хасис бой бор экан. У шундайин қизган-чиқ эканки, ҳовлида чумоли кўрса ортидан тушаркан. Унинг ҳам топганини юлқиб, кўнгли тинчиб кўчага қўйиб юборар экан. Одамлар ҳазиллашиб уни бир-бирига пичинг қилишаркан: "Мулла Саттор, бойдан қишда қор сўраймиз-да!". Кунлардан бир кун бадавлат киши улфатлаб чиқибди. Меҳмондорчиликда сийланиб тўрдан жой берилибди. Рўзгор каму кўстини ўйлаб ўтираркан, хонасида шом намози пайти ёқилган шамни ўчиришни унутгани ёдига келибди-ю, ичи ачий бошлабди. "Борганимда ёниб тугайди", деган ўйда чопиб уйига қайтибди.

Жўралар унинг оғзига кириб кетгудек тикилганча, ҳар

— Қанчадан?

— Борича беравер сен! Бозордан тўрт-беш сўм ишлаб турибсан!

— Қолганлар-чи?

— Қолганларга бир кило гўштнинг пули... Уйини шипирлаб олсин! Ҳалиям лойсувоқ, қишда чакка ўтса, чолу кампир қийналади. Бизда қопкетмас. Ўғли бўлганида бунчалик қийналмасди, қиз бировники-да барибир. Тўғрими?

Бош ирғадим.

— Харажатларини ҳисоблангизлар, қолганини биз-нессменлар беради.

Собир дарров шаъмани тушуниб, ўзининг фойдасига вазиятни ўнглашга уринди.

— Тўйингизда кўшадми, жўра. Йиғиб қўйганингиздан бир қатсангиз, ҳаммага осон тушади. Савобнинг тагида қоласиз.

— Ҳазил, сизга жуда қийин-ей! Шу бир сўмни икки қиламан деб у ёқдан-бу ёққа югурасиз.

Ҳамма шунга кўнди. Эртасига барча жўралардан "солиқ" йиғишни орамизда гапдонроқ Орифга юклаб, сузиб келтирилган ош чўзилдик. "Олинг-олинг" авжланиб, қаҳқаҳа, гап бироз тийилди.

Товоқлар бўшагач, аста-секин йиғиштирилиб, иссиқ кўк чой келтирилди. Чой ошнинг қамчиси-да. Боз устига, изгирида чойнинг ўрни бўлакча. Чойдан ҳўплай-ҳўплай жўраларнинг гурунги-га қулоқ тутдим.

— Бу йил қўй йили, ўт мўл бўлади, — деб гап бошлади Яраш. — Тўрт-бешта қўзи, улоқ олиб қўйсамми, дейман. Бир камтикни ямар. Ўҳ-ҳў, ҳали олдинда маъракалар турибди. Деҳқончиликдан шу маъқулдир.

Болалар бирин-кетин гап-пира кетишди. Биров ундай деса, бирор бундай деди. Мисоллар ҳам жуда қизик. Азиз ака бир йилда пиёзнинг орқасидан машина олибди. Бозори келса, нима, тош ҳам олтин пули-да! Бозори келмаса, олтин ҳам тош пули-да! Лекин ишонаверинг, чорвачилик қирқ йилда билинса, деҳқончилик бир йилда кўринади.

Ҳар ким ўзи билганича, дўстимнинг фикрига қўшилди. Биров деҳқончилигининг қилавер деса, биров савдо яхши деди. Хуллас, кўп каллада кўп ҳаёл. Барибир, ҳаракат тагидан бир нарса чиқар. «Олма пиш» билан оғизга ҳеч нарса тушмайди.

Гап ичига сингиб, вақт алламаҳал бўлганини ҳам сезмабман. Жўралар секин қўзга бошларкан, мен ҳам ҳангоматаларга солиқ тилаб ўрнимдан турдим.

Бир неча йил илгари Паркентта борганимда ажиб бир исни сезгандим. Қишнинг намхуш ҳавосида таралган кўнгилга яқин бир ҳид. У шу қалар димомига ўрнашганки, дарров билиш мумкин. Шу тобда ўша ис ёнверимда ҳам кезиниб юргандек...

БИР САВБАТ ҲАНГОМАСИ

килганида сўзсиз қотиб қола-сиз.

Кўпчилик шоиру ёзувчилар, ёрнинг кўзларини жайронининг кўзларига қисқалашди. Уз-ку, лекин бу тўғри эма! Нега дейсизми? Мана, ўша Сувлисойдагидан кейин бошқа шундай мафтункор, кўздан кетмас қарашни учратмадим. Фақат бир марта кўрганман. Қачон демокчимисиз, бу барибир сир...

...Савбат ҳам болаликдагидек кўпқарининг алғов-далғовларию яна машиналар хусусида эмасди. Анча улғайган жўралар нима хусусида гап-лашарди?.. Бировнинг икки-уч боласи бўлса, бошқасининг кутаётгани бор. Бари тиррилик ташвишида рўзгорнинг каму кўстини тўғрилашу машина олиш, уй қуриш иштиёқида. Бир-иккитасининг қулоғига бунақа гаплар ботмайди. Уларнинг дарди ҳам бошқача.

Орифларникига кириб бозорканман, ичкаридан жўраларнинг баҳслашиши, қулиш эшитилиб, тезроқ улар ёнига унлади.

Хонага кириб жўралар билан қўришиб, кейин дарров иссиқ ўрин — печка ёнидан жой олдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Бироз нари-бери суҳбатдан сўнг узилган ҳангома қизди.

— Кўнгишимиз жуда зиқна-да! — деб гап бошлади ёнимдаги Асқар. — Лекин бир ҳисобдан шуники ҳам маъқул. Ортиқча сарфдан қочади.

Ҳамма унинг гапини маъқуллади-ю, бирин-кетин кўнгилдан ўтган нарсаларни айтишга киришди. Шубҳасиз, бу ерда Салим жўра гапдон. У билмаган нарса йўқ. Бошингизни эгиб турсангиз, эшитангиз деб ўйлаб сайрайверади. Шундай чўзиб гап-радики, уйқу элтади.

бир ҳаракатини жиддий синовдан ўтказаятгандек қарарди. Салим эса баттар ҳаяжонланса-да, билдирмасликка тиришиб, тутилар ва яна каловланиб гапирарди:

— Дарвозанинг тикқилишидан хизматкор бу хўжайини эканини сезибди. "Бой ота, бунча сафарингиз эрта қарипти?" дебди дарвоза тирқишдан мўралаб. "Эшикни очиб ўтирма, ошиқ-мошиқ едирилади", дебди хўжайини. Кейин қулга буюрибди: «Хонамадаги шамни ўчиришни фаромуш қилибман, тез ўчир! Зое кетмасин!». «Бундан сира хавотир олмаманг! — деган овоз келибди ичкаридан. — Уни аллақачон ўчириб қўйганман. Аммо, шунини ўйлабсиз-у, қовушингиз таги адо бўлишини ўйлашмабсиз-да?» дебди бойнинг феълени билган хизматкор кесатиб. Давлатманд қаҳ-қаҳа уриб дебди: «Аҳмоқсан-да, қулбачча! Сенда бор ақл менда йўқми? Мана, ялангоёқ юрибман-ку! Қовуш қўлтиғимда... Қоронғида ким оғимга қарарди?».

Кулишдик.

— Буни нимага айтиб ўтирибсан? — деб эътироз билдирди Ботир. — Одамлар богдан келса, сен тоғдан келасан-а!

— Яхшилаб эшитсанг, тушунасан!

Улар бироз тиртишишди.

Ғиёс тараддулланиб гапирди: — Болалар, ҳалиги Шайман ота сал қийналиб қопти. Яқинда маърақа ўтказди. Бунинг ҳаммаси пул-да! Тўрт-беш сўм йиғсақ-да, шунга узатсак! Нима, ўлар-қолар ердამизми? Нима, йиққанимизни нарийёққа кўтариб кетармидик?! Отани бугун суя-масак, қачон суяймиз.

Шавкат жойида ётган қўйи сўради:

2014-yil 27-dekabr, № 103 (8752)

ОЛИМП ЧЎҚҚИЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўқувчилар «Умид ниҳоллари»да бу сафар 17 спорт тури бўйича беллашади

Ҳадемай умумтаълим мактаблари ўқувчилари қишки таътилга чиқади. Ўғал-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда фанлардан эгалланган билимларни такрорлаш, мустақамлаш қатори эрт билан шуғулланишнинг ҳам ўрни беқиёс. Бунинг учун таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун яратилган шароитлардан унумли фойдаланиш мумкин. «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг туман (шаҳар) босқичида куч синашадиган ёшлар эса ҳаяжонли лаҳзаларни интиқиб кутмоқда.



бўйича 1100 нафар ўқувчи мусобақаларга жалб этилди.

2015 йили Хоразм вилоятида ўтказиладиган навбатдаги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг финал босқичида иштирокчилар спортнинг 17 тури бўйича беллашади. Эътиборлиси, уларнинг 16таси Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган спорт турларидир: футбол, баскетбол, волейбол, сузиш, стол тенниси, бадминтон, юнон-рум кураши, таэквондо, дзюдо, бокс, спорт гимнастика, кўл тўпи, енгил атлетика. Юқорида ушбу спорт мусобақаларини бежиз кичик олимпиадага тенглаштирмаганимизга мазкур рўйхат мисолида ҳам амин бўлиш мумкин. Зеро, она Ватанимиз шарофини жаҳон миқёсида янада улуғлаш, баланд марраларни забт этиш истида кўзлари ёниб турувчи музаффар спортчиларни кашф этиш, раббатлантириш ва парвозига қанот бўлишдек олий орзулар рўёбида олимпиада сингари нуфузли спорт анжуманлари катта роль ўйнайди. Шунингдек, «Умид ниҳоллари»да кучдан кўра ақлни устун қўядиган болалар оқ-қора доналар суриб, шахмат бўйича ҳам бахшланиши.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларини ҳар 3 йилда навбатма-навбат ўтказишдан мақсад ўқувчи-ёшларни қисқа муддатда узлуksиз спорт ҳаракатига жалб этиб, шу орқали жойлардаги спорт базаларининг ҳолатини талаб даражасига етказиш, спорт мутахассисларининг ишини янада фаоллаштиришдан иборат. Бунинг амалий натижаларини ўтган давр мобайнида барча вилоятларда қўрилган мухташам спорт объектлари ва у ерда шуғулланиб, маҳоратини ошириб, маҳаллий ҳамда халқаро мусобақаларда зафар кучаётган ёшларимизга спорт сирларини ўргатиб келаётган тажрибали мураббийлар меҳнати мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Тизим мусобақаларининг кенжаси — «Умид ниҳоллари» дастлаб 2002 йили Фарғона вилоятида ўтказилиб, спортнинг 11 тури бўйича 1918 нафар ўқувчи катнашди. 2003 йили Хоразм вилоятида кечган мусобақаларда эса 12 спорт тури бўйича бахслар ўтказилди ва 2114 нафар ўғил-қиз ўз имкониятини синаб кўрди. 2006 йили Қашқадарё вилоятида спортнинг 12 тури бўйича 2002 нафар ўқувчи, 2009 йили Сирдарё вилоятида спортнинг 12 тури бўйича 2282 нафар ўқувчи, 2012 йили эса Навоий вилоятида спортнинг 12 тури

ўқувчилари ўртасида шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ўтказилиб, унда жами 4 067 161 нафар (шундан 1793 618 нафари (44,1 фоиз) қизлар) ўқувчи иштирок этди. Иккинчи босқични эса мактаблар ўртасида кузги ва қишки таътил вақтида ўтказиш мўлжаллаганди. Аниқроғи, кузги таътил вақтида ташкил этилган бахсларда спортнинг 6 тури: баскетбол, волейбол, сузиш, футбол, стол тенниси, кўл тўпи бўйича навбатдаги босқичга ўтган ғолиблар аниқланди. Улар 746 130 нафар (шундан 300 390 нафари қизлар) ўқувчи орасидан сараланди.

Ҳадемай бошланадиган қишки таътил даврида эса спортнинг қолган 11 тури бўйича 494 190 нафар (улардан 116 280 нафари қизлар) ўқувчи туман босқичи йўлланмаси учун мусобақалашади. Бу қарама-қаршилиқлар киш фасли шароитидан келиб чиқиб ёпиқ спорт иншоотларида ўтказилади.

Саралаш жараёнининг учинчи босқичи туманлар ўртасида баҳорги таътил вақтида ўтказилади. Мусобақаларда жами 24 704 нафар (улардан 8 299 нафари қизлар) ўқувчи иштирок этиши режалаштирилган.

Якуний босқич — финал ўйинларига эса 1951 нафар спортчи, мураббий ва ҳакамлардан иборат жамоа Хоразмда жам бўлиши белгиланган.

Финалгача ҳали анча-мунча йўл юриш керак. Бироқ тайёргарлик давридаги тинимсиз ҳаракатлар, руҳий чиниқиш жараёни, саралаш мусобақаларидаги шиддат, ҳаяжон остида бу йўл қисқаргандек, фурсат эса елиб ўтгандек бўлади. Вақтдан унумли фойдаланган спортчи ва мураббийга яқунда ҳам омад кулиб боқишига шубҳа йўқ.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири



МУКОФОТ ПУЛИ ОШИРИЛДИ

БААлик ҳомийлар америкалик боксчи Флойд Мэйвээр ҳамда филиппинлик Мэнни Пакьяо ўртасидаги муштлашув учун ажратилган соврин жамғармаси миқдорини 120 миллион долларгача оширганини маълум қилди. Бу ҳақда «Boxingscene» хабар беради.

Дунё спорт нашрлари мутахассислари бу шу пайтгача битта муштлашувдан иборат мусобақа учун берилиши мумкин бўлган энг катта мукофот эканини таъкидламоқда. Шу йилнинг ноябрида ҳомийлар ушбу жанг учун 110 миллион доллар ажратилганини айтишганди.

Мазкур олашмул муштлашув 2015 йилнинг баҳорида Абу-Даби шаҳрида ўтказилиши кутилмоқда. Бу воқеали амалга ошган тақдирда ғолиб мукофот билан бирга WBO, WBA ва WBC таснифларида чемпионлик камарларини ҳам кўлга киритади.

ПУЙОЛ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Испаниянинг «Sport» нашрида ёзилишича, «Барселона» клуби раҳбарияти «Камп Ноу»да собиқ ҳимоячи ва сардор Карлес Пуйолнинг хайрлашув кечасини ташкил этишни режалаштирмоқда.



«Хетафе»га қарши кечган ўйиндан (0:0) сўнг жамоа президенти Хосеп Мария Бартомеу бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтаркан: «Биз буюк сардоримиз билан муносиб тарзда хайрлашмоқчимиз», деди.

Пуйол «Барселона» шарофини 1999—2014 йиллар давомида ҳимоя қилди. Қарийб 16 йил мобайнида 6 карра Испания чемпиони, 2 карра мамлакат кубогни соҳиб, 5 карра суперкубок эгаси ва уч карра Европа чемпионлар лигаси ғолиби бўлди. Испания терма жамоаси либосида жами 100 та ўйинда катнашиб, Европа (2008) ва жаҳон (2010) чемпиони унвонларига сазовор бўлди.

КОРЕЯ РЎХАТДАН ЎЧИРИЛДИ

«Формула-1» бўйича жаҳон чемпионатининг навбатдаги босқичи Жанубий Корейда 2015 йили ўтказилиши белгиланган эди. Аммо халқаро автотомобил федерацияси (FIA) матбуот хизмати-нинг янги хабарига кўра, келаси йил тақвимида киритилган Гран-прининг йиғирма биринчи босқичи Жанубий Корейда ўтказилмайдиган.

Корейлик ташкилотчилар мезбонлар рўйхатидан бутунлай олиб ташланди. Шунингдек, «Формула-1» раҳбари Берни Экклстоун бироз олдинроқ мазкур нуфузли пойга 2015 йили ўтказилмаслиги мумкинлигини айтганди.

Корея трассаларида 2010 йилдан 2013 йилга қадар тўрт мартаба Гран-при мусобақалари босқичи бўлиб ўтган.

КЕЛИШИЛГАН ЎЙИНЛАР

Сербиялик теннисчи Новак Жокевичга 2006 йили «келишилган ўйинлар» ҳисобини очishi учун 100 минг доллар миқдорига пул тақлиф этилгани маълум бўлди, деб хабар тарқатилди «USA Today» нашрида.

Одатда бундай ҳолларда профессионал спортчилар дарҳол тегишли идора — Tennis Integrity Unit (TIU)га хабар бериши, масъуллар эса «бузғунчи»ларни жазолаши лозим. Аммо ўша пайтда Жокевич мазкур масала юзасидан пулдорлар тақлифини рад этганини «USA Today» мухбирига бевосита сўзлаб берди.

Хабарингиз бўлса, келишилган ўйинлардаги иш-тироки учун россиялик теннисчи Андрей Кумандов умрбод профессионал спортдан четлатилган.

ФИЖДУВОННИНГ СПОРТСЕВАР ЁШЛАРИ

Бухоро вилояти Фиждувон туманидаги Навоий кон-металлургия комбинати 5-кон бошқармасига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тўғралакларига ҳудуддаги кўшлаб ёшлар жалб этилган.

Замонавий тарзда жиҳозланган мажмуада волейбол, футбол, бокс, кураш спорт турлари бўйича машғулотлар йўлга қўйилган. Айниқса, бокс тўғралакига қизиқиш катта. Бу ерда 60 дан зиёд ёшлар мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

ЎЗА фотомухбири
Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎҚУВ ТАЪЛИМ-ТАЪМИНОТ давлат унитар корхонаси

Азиз юртдошлар!

*Қадри устоз ва
мураббийлар!*

*Янги — 2015 йил билан
баргангани тин дилдан
қутлаймиз!*

*Янги йилда ҳаммага энг
эзгу тилаklarимизни
йўлаймиз!*



Ma'rifat

**ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:**

*Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.*

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-1224. Tiraji 38969.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 23.30 Topshirildi — 23.40

1 2 4 5